

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 1 (1325) • 2020 йил 7 январь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

Хорижий муассис дивидендлари қайси курс бўйича қайта ҳисобланади?

3-бет

Божхона агенти нақд пул олиши мумкинми?

4-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

5-6-бетлар

Дивидендлардан ушланадиган ЖШДС

11-12-бетлар

УФдаги улуш текин берилиши бухгалтерия ҳисобида

13-бет

Инвентарни ҳисобдан чиқаришда фойда солиғини ҳисоблашнинг солиқ оқибатлари

14-бет

### БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

#### ҚАЙТА БАҲОЛАШНИ ЎТКАЗАДИГАНЛАР УЧУН

Давлат статистика кўмитаси томонидан 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (АВ томонидан 4.12.2002 йилда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 1 январь ҳолатига асосий фондларни қайта баҳолаш индекслари ишлаб чиқилди.

14-бетда

### ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## СОЛИҚ КРЕДИТИ ВА СУБСИДИЯЛАРИ – ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ ДАСТАКЛАРИ

«Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонун (25.12.2019 йилдаги ЎРҚ-598-сон) билан инвестициялар ҳамда хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Бу «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ва «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунларнинг (янги қонун амалга киритилиши билан улар ўз кучини йўқотади, тахр. изоҳи) асосий қоидаларини ўзида бирлаштирадиган ягона консолидациялашган ҳужжат ҳисобланади.

Қонунда давлат томонидан таъминладиган хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари, шу жумладан маблағлар эркин фойдаланилиши ва ўтказилиши, инвестиция фаолияти тўхтатилиши муносабати билан уларнинг қайтарилиши, маҳаллийлаштириш ёки реквизиция қилиш (экспроприация қилиш) ва қонун ҳужжатларининг номақбул ўзгартирилишидан ҳимоя қилиш, очик-ошкоралик кафолатлари сақлаб қолинган. Умуман олганда, инвесторларнинг алоҳида ҳуқуқлари (масалан, визаларнинг алоҳида тури, яшаш гувоҳномасини олиш шартлари ва ҳоказолар) назарда тутилмаган хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий режими, хорижлик ходимларни жалб этиш ва инвестицияларни суғурталаш тартиби ҳам ўзгартирилган.

Инвесторлар имтиёз ва преференцияларни қўллаш, лойиҳани биргаликда молиялаштириш мақсадида марказлашган инвестицияларни ажратиб, молиявий, маслаҳат ва ахборот кўмагини кўрсатиш орқали давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Имтиёз ва преференциялар қуйилганларни ўз ичига олади:

- давлат мулки бўлган объектларни ёки уларга бўлган мулккий ҳуқуқларни имтиёзли ёки нолга тенг харид қиймати бўйича инвесторга бериш;
- солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;
- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинмаган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш.

Бунда инвестициялар ҳажми, инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган жойнинг шарт-шароитлари, кутилаётган ижтимоий-иқтисодий самара ва янги иш ўринларини яратиш, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соҳалари ва тармоқлари муҳим ўрин эгаллайди.

Бундан ташқари, инвесторларни қўллаб-қувватлашнинг кўшимча дастаклари пайдо бўлди:

- **биринчидан**, инвестицияга оид солиқ кредити солиқ мажбуриятини бажариш муддатини ўзгартириш шакли бўлиб, бунда солиқ тўловчи бўлган инвесторга белгиланган муддат ичида ушбу инвестор тўлаши керак бўлган солиқ тўловларини кредит суммасини ва ҳисобланган фоизларни кейинчалик босқичма-босқич тўлаган ҳолда камайтириш имконияти берилди (тартиб Солиқ кодексига белгиланган);
- **иккинчидан**, инвестиция субсидиялари – инвестиция фаолияти объектига ўтказиладиган ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши ёки солиқ ва боғхона имтиёзлари тар-

зида Ҳукумат томонидан тақдим этиладиган молиявий қўмак. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда инвесторнинг аризасини кўриб чиқади ҳамда Ҳукуматга таклиф киритади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари инвесторлар билан «ягона дарча» тамойили бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади. Бу қуйидагиларга татбиқ этилади:

- давлат хизматлари, шу жумладан Давлат хизматлари марказлари орқали хизматлар кўрсатиш;
- мавжуд давлат хизматлари масалалари бўйича қабул қилиш ва маслаҳат бериш;
- давлат хизматларини олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришда ёрдамлашиш;
- ЭРИ, электрон аризани ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдамлашиш;
- давлат хизматларини олишда инвесторга давлат бошқаруви органларида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳамроҳлик қилиш.

Ҳужжатда инвестиция фаолиятининг давлат бошқаруви механизмлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (ваколатли орган), бизнес-омбудсман, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ҳамда инвестицияларни жалб этиш билан шуғулланадиган давлат органлари функциялари батафсил баён этилган.

Қонун Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 26.12.2019 йилда эълон қилинган ва 27.01.2020 йилдан кучга киради.

Олег ЗАМАНОВ,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

### БОЖХОНА

## ЧЕГАРАДА БОЖХОНА НАЗОРАТИ: СЎНГГИ ЎЗГАРИШЛАР

Бир ярим ой олдин Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари ва товарларни ўтказиш пунктларида чегара, боғхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратидан ўтказиш тартиби тўғрисида янги низомни (18.11.2019 йилдаги 912-сон ВМК) тасдиқлади.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши билан боғхона амалиётида қандай ўзгаришлар юз берди? Бу ўзгаришлар ТИФ иштирокчилари ва чегарани кесиб ўтувчи оддий одамлар учун нима беради, боғхона тартиб-таомилларининг соддалашгани нимада кўринади? Боғхона назорати соҳасига доир бу ва бошқа саволларга Давлат боғхона кўмитасининг боғхона назоратини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Рустам ҚОБУЛОВ жавоб беради.

15-бетда



# ТУЗАТИШ КИРИТИЛГАН ЖШДС ҲИСОБ-КИТОБИ

Солиқ кодексига ЭКИХнинг БҲМ ва МҲЭМга алмаштирилишига тааллуқли тузатишлар (3.12.2019 йилдаги ЎРҚ-586-сон) киритилганлиги муносабати билан 2019 йилнинг декабрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олиннадиган солиқ ва мажбурий бадаллар ҳисоб-китоби услубиятига («СБХ»нинг 24.12.2019 йилдаги 52 (1324)-сонидан чоп этилган) тузатишлар киритилди. II бўлим қуйидагича ўқилсин:

### «II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

#### 1-ВАЗИЯТ.

**Даромаддан ЭКИХнинг 4 бараварига (МҲЭМнинг 1,41 бараварига) тенг сўмма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

Солиқ кодексининг 180-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг январь-июль ойларидаги меҳнат ҳақи 12 600 000 сўмни (1 800 000 х 7), август-декабрь ойларида эса – 10 000 000 сўмни (2 000 000 х 5) ташкил қилди. Йил бошидан даромад – 22 600 000 сўм.

□ Солиқ кодексининг 180-моддаси 2-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жаами даромадидан ҳар ойда, январь-ноябрь ойларида ЭКИХнинг 4 бараварига, декабрь ойида МҲЭМнинг 1,41 бараварига тенг сўмма чиқариб ташланади.

Январь-декабрь ойлари учун имтиёз миқдорини ҳисоб-китоб қиламиз:  $(202\ 730 \times 4 \times 11) + (1,41 \times (202\ 730 \times 2,847)) = 9\ 733\ 932,96$  сўм. Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:  $22\ 600\ 000 - 9\ 733\ 932,96 = 12\ 866\ 067,04$  сўмга тенг. Январь-декабрь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:  $12\ 866\ 067,04 \times 12\% = 1\ 543\ 928,04$  сўм.

Январь-ноябрь ойларида 1 401 585,6 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Декабрь ойи учун ЖШДС суммаси 142 342,44 сўмга (1 543 928,04 – 1 401 585,6) тенг.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 12 866,07 сўмни (12 866 067,04 х 0,1%) ташкил қилади.

Январь-ноябрь ойларида ШЖБПҲга 11 679,88 сўм ўтказилган, декабрь ойи учун ажратмалар 1 186,19 сўмни (12 866,07 – 11 679,88) ташкил қилади.

Декабрь ойи учун бюджетга 141 156,25 сўм (142 342,44 – 1 186,19) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 857 657,56 сўм (2 000 000 – 142 342,44) иш ҳақи олади.

#### 2-ВАЗИЯТ.

**Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

Ходимнинг меҳнатига январь-июль ойлари учун 1 400 000 сўмдан, август-декабрь ойларида эса – 1 540 000 сўмдан ҳақ тўланган. Унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 600 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган. Йил бошидан даромад – 20 100 000 сўм.

□ Солиқ кодексининг 179-моддаси 1-бандининг 3 ва 4-хатбошиларига кўра бир йил давомида МҲЭМнинг 4,22 бараварига миқдорда бериладиган қўйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан бозғиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтинчи муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотларини бериши ёки уларни сотиб олиши учун маблағлар бериши тарзидаги тўловларга ЖШДС солинмайди (Солиқ кодексининг 178-моддаси 16-банди). Декабрь ойида белгиланган МҲЭМ қўлланилади  $(4,22 \times 202\ 730 \times 2,847 = 2\ 435\ 667,15$  сўм).

Солиқ солинадиган даромад январь-декабрь ойлари учун 17 664 332,85 сўмга (20 100 000 – 2 435 667,15) тенг.

Январь-декабрь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:  $17\ 664\ 332,85 \times 12\% = 2\ 119\ 719,94$  сўм.

Январь-ноябрь ойларида 1 935 268,8 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Декабрь ойида солиқ суммаси 184 451,14 сўмга (2 119 719,94 – 1 935 268,8) тенг.

Январь-декабрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 17 664,33 сўмни (17 664 332,85 х 0,1%) ташкил этади.

Январь-ноябрь ойларида 16 127,24 сўм ўтказилган, декабрь ойи учун ажратмалар 1 537,09 сўмни (17 664,33 – 16 127,24) ташкил қилади.

Декабрь ойи учун бюджетга 182 914,05 сўм (184 451,14 – 1 537,09) ЖШДС ўтказилади.

Ходим 1 355 548,86 сўм (1 540 000 – 184 451,14) иш ҳақи олади.

#### 3-ВАЗИЯТ.

**Қимматбаҳо совға олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

Ходимнинг меҳнатига январь-июль ойларида 1 500 000 сўмдан, август-декабрь ойларида эса – 1 650 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида 2 000 000 сўмлик смартфон совға қилинди.

□ Солиқ кодексининг 14-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан МҲЭМнинг 2,11 баравари миқдоригача бўлган сўмлада олинган совғаларнинг қийматига солиқ солинмайди. Ҳисоб-китоб қилиниши декабрда белгиланган МҲЭМ қўлланилади  $((2,11 \times (202\ 730 \times 2,847)) = 1\ 217\ 833,57$  сўм).

Январь-декабрь ойлари учун солиқ солинадиган даромад 19 532 166,43 сўмга  $((1\ 500\ 000 \times 7) + (1\ 650\ 000 \times 5) + 2\ 000\ 000 - 1\ 217\ 833,57))$  тенг.

Январь-декабрь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:  $19\ 532\ 166,43 \times 12\% = 2\ 343\ 859,97$  сўм.

Январь-ноябрь ойларида 2 146 034,4 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Декабрь ойи учун солиқ суммаси 197 825,57 сўмни  $(2\ 343\ 859,97 - 2\ 146\ 034,4)$  ташкил қилади.

Январь-декабрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 19 532,17 сўмга  $(19\ 532\ 166,43 \times 0,1\%)$  тенг.

Январь-ноябрь ойларида ШЖБПҲга 17 883,62 сўм ўтказилган, декабрь ойи учун ажратмалар 1 648,55 сўмни  $(19\ 532,17 - 17\ 883,62)$  ташкил қилади.

Декабрь ойи учун бюджетга 196 177,02 сўм  $(197\ 825,57 - 1\ 648,55)$  ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 452 174,43 сўм  $(1\ 650\ 000 - 197\ 825,57)$  иш ҳақи олади.

#### 4-ВАЗИЯТ.

**Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан ЭКИХнинг 4 бараварига (МҲЭМнинг 1,41 бараварига) тенг сўмдани чегирини, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби**

Солиқ кодексининг 180-моддасига кўра имтиёзга ҳақиқи бўлган ходимга январь-июль ойларида 1 500 000 сўмдан, август-декабрь ойларида эса – 1 650 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида никоҳдан ўтинчи муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 1 800 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган. Январь-декабрь ойлари учун жаами даромад 23 550 000 сўмни  $((1\ 500\ 000 \times 7) + (1\ 650\ 000 \times 5) + 3\ 000\ 000 + 1\ 800\ 000)$  ташкил қилди.

Қўйидагиларга мувофиқ:

□ Солиқ кодексининг 180-моддаси 2-қисмига мувофиқ имтиёз олиши ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда ЭКИХнинг 4 бараварига, декабрь ойидан эса МҲЭМнинг 1,41 бараварига тенг сўмга  $((202\ 730 \times 4 \times 11) + (202\ 730 \times 2,847)) = 9\ 733\ 932,96$  сўм) чиқариб ташланади;

□ Солиқ кодексининг 179-моддаси 1-бандига мувофиқ, бир йил давомида МҲЭМнинг 4,22 бараварига  $((4,22 \times (202\ 730 \times 2,847)) = 2\ 435\ 667,15$  сўм) миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди;

□ Солиқ кодексининг 179-моддаси 14-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭМнинг 2,11 баравари  $(2,11 \times (202\ 730 \times 2,847)) = 1\ 217\ 833,57$  сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:  $18\ 750\ 000 - 9\ 733\ 932,96 + 3\ 000\ 000 - 2\ 435\ 667,15 + 1\ 800\ 000 - 1\ 217\ 833,57 = 10\ 162\ 566,32$  сўм.

Январь-декабрь ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:  $10\ 162\ 566,32 \times 12\% = 1\ 219\ 507,96$  сўм.

Январь-ноябрь ойларида 1 119 688,8 сўм ЖШДС ушлаб қўлинган. Декабрь ойи учун солиқ суммаси 99 819,16 сўмга  $(1\ 219\ 507,96 - 1\ 119\ 688,8)$  тенг.

Январь-декабрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 10 162,57 сўмни  $(10\ 162\ 566,32 \times 0,1\%)$  ташкил этади.

Январь-ноябрь ойларида ШЖБПҲга 9 330,74 сўм ўтказилган, декабрь ойи учун ажратмалар 831,83 сўмни  $(10\ 162,57 - 9\ 330,74)$  ташкил қилади.

Декабрь ойида бюджетга 98 987,33 сўм  $(99\ 819,16 - 831,83)$  солиқ ўтказилади.

Ходим қўлига 1 550 180,84 сўм  $(1\ 650\ 000 - 99\ 819,16)$  олади.»

**УШБУ СОНДА:**

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
– Солиқ кредити ва субсидиялари – инвесторларни қўллаб-қувватлашнинг янги дастаклари  
**1-бет**
- БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ**  
– Қайта баҳолашни ўтказадиганлар учун  
– Инвентарни ҳисобдан чиқариши: солиқ оқибатлари  
– 2020 йилда асосий фондлар қандай қайта баҳоланади  
**1, 14, 16-бетлар**

- БОЖХОНА**  
– Чегарада божхона назорати: сўнгги ўзгаришлар  
**1, 15-бетлар**
- МАВЗУГА ҚАЙТИБ**  
– Тузатиш киритилган ЖШДС ҳисоб-китоби  
**2-бет**
- АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ**  
– Валютадаги дивидендлар  
– Ижарага олинган биноларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби  
– Аввал ҳисобланган солиқни тузатиш  
– Имтиёз ҳисобга олинмайди  
– Кафиллик: таъминот ва кафолат ҳисоби

- Бошқа операция ҳаражатлар
- Юридик шахслар ўртасида – фақат нақд-сиз ҳисоб-китоб
- Йилда бир марта ҳисобот топширадилар
- Идишларга оид операциялар ва уларни ҳисобга олиш
- Жамият фойдасига улушдан воз кечиш
- Аъзолик бадаллари: бухгалтерия ҳисобидаги проволкалар  
**3-4, 13-бетлар**
- ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

- «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва уяна ер солиғи бўйича тўлаш муддатини азайтириш тартиби тўғрисидаги нозомни тасдиқлаш ҳақида».
- 2020 йил учун иш вақти ҳисоб-китоби**  
**5-6-бетлар**
- БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР**  
– Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи мисоллар ва ҳисоб-китобларда  
**7-12-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

**?** Қўшма корхона дивидендларни тақсимлаш баённомасида уларни сўмда кўрсатади. Дивидендларни хорижий муассисга ўтказиш учун миллий валюта биржа курси бўйича АҚШ долларига конвертация қилинади. Келиб тушган валюта хориждаги муассисга ўтказилган. Хорижий муассисга дивидендларни АҚШ долларига ўтказишда уларни сўмга МБ курси бўйича қайта ҳисоблаш лозими ёки биржа курси бўйичами?

## ВАЛЮТАДАГИ ДИВИДЕНДЛАР

– Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида кўрсатилган миллий валютадаги қайта ҳисоблаш чет эл валютасида операция содир этилган санада Марказий банк курси бўйича амалга оширилади (АВ томонидан 21.05.2004 йилда 1364-сон билан рўйхатдан ўтказилган 22-сон БҲМСнинг 10-банди). Муассисларга кредиторлик қарзи (тўланадиган дивидендлар) сизда солиқни чегирган ҳолда миллий валюта – сўмда акс эттирилган.

Корхонанинг валюта счётидан пул маблағларини муассисларнинг хорижий счётига ўтказиш учун ҳисобдан чиқаришда сўмда ҳисобланган қарзни маблағлар ўтказилган кундаги МБ курси бўйича чет эл валютасига қайта ҳисоблашингиз керак.

## ИЖАРАГА ОЛИНГАН БИНОЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

**?** Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона дори воситаларнинг улгуржи ва чакана савдоси билан шугулланади. 2 та бино ижарага олинган ва дорихона очилган. Дорихоналарни очишдан олдин муассисдан қарзга олинган ТМҚ ҳисобига бино таъмирланган. Муассис билан тузилган материалларни фойсиз қарзга олиш шартномаси мавжуд. Барча материаллар ушбу савдо нуқталарини таъмирлашга сарфланган. Қарз шартномасига қўшимча битим тузилди, унда материаллар ўрнига пул маблағларини қайтаришимиз кўрсатилди. Корхона ижарага олинган бинони таъмирлаш харажатларини ушбу даврдаги харажатларга киритиши мумкинми ёки уларни ижара муддатига тақсимлаши керакми?

Оператив ижара объекти ижарага берувчининг рухсати билан яхшиланган бўлса, оператив ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки оператив ижара шартномаси бекор қилинган, ижарачи ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга (АВ томонидан 24.04.2009 йилда 1946-сон билан рўйхатдан ўтказилган 6-сон БҲМСнинг 52-банди). Мазкур ҳолатда таъмирлаш харажатлари харажатларга ҳисобдан чиқарилмайди, балки ижарага берувчининг дебиторлик қарзи сифатида ҳисобга олинади (АВ томонидан 1.06.2009 йилда 1961-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 31-банди).

Ижарага берувчининг рухсатисиз амалга оширилган оператив ижара объектини яхшилашга сарфланган

харажатлар ва уларни оператив ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имкони бўлмаса, оператив ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилинган, оператив ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, улар ижарага берувчига текинга ўтади.

Бироқ, уларни оператив ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва ижарага берувчи уларнинг қийматини қоплашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда ижарачи уларни ажратиб олиши мумкин. Мазкур ҳолатда ҳисоблаб ёзиш тамойили бўйича харажатлар таъмирлаш амалга оширилган ҳисобот давридаги давр харажатларига ҳисобдан чиқарилади (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.1.2.3-банди).



## АВВАЛ ҲИСОБЛАНГАН СОЛИҚНИ ТУЗАТИШ

**?** Корхона (умумбелгиланган солиқларни тўловчи) 2019 йилнинг ярим йиллик яқунларига кўра фойда олган. Фойда солиги ҳисобланган ва тўланган. Солиқни ҳисоблашда Дт 9810 – Кт 6410 бухгалтерия проводкаси берилган. 2019 йилнинг 9 ойида молиявий-ҳўжалик фаолияти зарар билан яқунланган, фойда солигини тўлаш мажбурияти юзага келмаган. 2019 йилнинг 9 ойи яқунлари бўйича корхона зарар кўрган бўлса, аввал ҳисобланган фойда солигига қандай бухгалтерия проводкалари билан тузатиш киритилади?

– Фойда солигининг ҳисобланиши ва бюджетга ўтказилиши қуйидаги проводкалар билан расмийлаштирилади:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспондентияси	
	дебет	кредит
Фойда солиғи бўйича аванс тўловлари ўтказилди	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Фойда солиғи ҳисобланди	9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Аввал тўланган аванс тўловлари ҳисобга олинди	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (турлари бўйича)»

Кейинги ҳисобот даврларида корхона зарар кўрса ва йил бошидан ортиб борувчи яқун билан зарар ҳосил бўлса, фойда солигини тўлаш мажбурияти нолга тенг бўлиши мумкин. Бунда фойда солигини оширадиган қуйидаги суммаларни ҳисобга олиш лозим:

- товарларни (ишлар, хизматларни) таннархидан паст нархда реализация қилишдан ва уларни текин беришдан зарарлар;

- бошқа шахслардан текин олинган мол-мулк, мулк ҳуқуқлар, ишлар, хизматлар қиймати (Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботга (АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган 2-сон шакл) киритилмаган);

- давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун энг кам ижара ҳақи ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган ижара ҳақининг шартномада белгиланган ижара ҳақидан ошган суммаси;

- чегирилмайдиган харажатлар (солиқ солинадиган базага киритилган харажатлар);

- келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегираладиган ҳисобот даври харажатлари.

Солиқ бўйича мажбуриятларни тўлаш ҳисобига аввал ўтказилган пул маблағлари аванс тўловлари бўлади. Аввал ҳисобланган ва тўланган солиқ суммасига тузатиш киритиш лозим. Қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан тузатиш киритилади:

Дт 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича аванс тўловлари (турлари бўйича)» счёти

Кт 9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» счёти.

Шунингдек ҳисобланган харажатлар ва фойда солиғи бўйича мажбуриятларни камайтириш суммасига айирув белгилли қийматлар билан қуйидаги сторнолаш проводкасини бериш мумкин:

Дт 9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» счёти

Кт 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти.

Жавобларни «Норма» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

## ИМТИЁЗ ҲИСОБГА ОЛИНМАЙДИ

**?** ҚҚС тўловчи корхона ВМнинг 25.01.2018 йилдаги 53-сон қарорига кўра товарни имтиёз билан импорт қилди.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари ва фермер хўжаликлари томонидан товарларни беришда қандай бухгалтерия проводкалари амалга оширилади?

ВМнинг 53-сон қарорига 3-иловада белгиланган Рўйхат бўйича товарларни импорт қилиш чоғида ҚҚС бўйича имтиёзлар 8840-счётда ҳисобга олинадими?

– Йўқ, товарларни импорт қилиш чоғида ҚҚС бўйича имтиёзлар баланс счётларида ҳисобга олинмайди, сабаби улар аниқ мақсадга мўлжалланмаган бўлади.

ВМнинг 25.01.2018 йилдаги 53-сон қарорига 3-иловада Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари ва пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган, божхона тўловлари тўлашдан 2020 йил 1 январгача бўлган муддатга озод қилинадиган (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) хом ашё, материаллар, техника, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар рўйхати келтирилган. Бунда имтиёз тақдим этилиши натижасида бўш қолган

маблағлардан мақсадли фойдаланиш белгиланмаган.

Мақсадли фойдаланиш назарда тутилмаган бўлса, маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) бўйича солиқлар ҳисобланмайди ва уларнинг харид қийматига киритилмайди ҳамда улар бўйича имтиёзли ҚҚС ҳисобга олинмайди (АВ томонидан 2.04.2005 йилда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 3-параграфи).

Аниқ мақсадга мўлжалланмаган имтиёзлар суммаси 013-«Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» балансдан ташқари счётида акс эттирилади. Улар белгиланган имтиёзли давр тугаганидан кейин ҳисобдан чиқарилади.

### МИСОЛ

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчисига импорт шартномаси бўйича фермер хўжаликларига реализация қилиниши назарда тутилган пестицидлар келиб тушиди. Уларни 2900-«Товарларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳидаги счётларда ҳисобга олиш лозим (Йўриқноманинг 142, 143-бандлари, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова), чунки 1000-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳидаги счётларда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишига мўлжалланган ТМҚ ҳисобга олинади (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМС).

Фермерларга пестицидлар ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда берилиши керак. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этадиган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари ва фермер хўжаликлари оладиган ҳамда улар томонидан берилдиган, ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни сотиши бўйича оборотлар билан боғлиқ бўлмаган пул маблағлари ва мол-мулк, шунингдек соф даромад тақсимоти солиқ солинадиган объектлар ҳисобланмайди (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) (ВМнинг 53-сон қарори 6-банди).

Проводкалар қўйидагича кўринишида бўлади (21-сон БҲМС бўйича ҳисобга олувчи счётлар):

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сётлар корреспонденцияси		Сумма
	дебет	кредит	
Импорт товар келиб тушиди	2910-«Омбордаги товарлар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	100
Товарларни импорт қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг қийматига киритиладиган бошқа харажатлар акс эттирилади (4-сон БҲМСнинг 13-банди)	2910-«Омбордаги товарлар»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	10
Импорт қилишида имтиёзли божхона тўловлари, шу жумладан ҚҚС ҳисобланди	013-«Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)»		20
Фермер хўжаликларига товар берилди (ҚҚС ставкаси – таннархнинг 15%)	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»	110
Мол-мулкни бериш бўйича оборотдан ҚҚС ҳисобланди	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	16,5
Берилган товарнинг таннари ҳисобдан чиқарилди	9120-«Сотишган товарларнинг таннари»	2910-«Омбордаги товарлар»	110

Товарни акс эттириш усулини корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатиш тавсия этамиз.

**?** Ташкилотимиз банк кафолатини олиш мақсадида янги очилган фирма (шуъба корхона) кафили сифатида банкнинг блок-счётига пул маблағларини ўтказди. 5 ой ўтганидан сўнг ушиб сумма асосий ҳисобрақамимизга қайтарилди. Ушиб пул маблағлари қайси счётда ҳисобга олинishi керак?

## КАФИЛЛИК: ТАЪМИНОТ ВА КАФОЛАТ ҲИСОБИ

– Банк кафолатини таъминлаш мақсадида махсус счётга ўтказилган пул маблағларини ҳисобга олиш учун 5530-«Бошқа махсус счётлар» счётининг 5531-«Кафиллик шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга ажратилган пул маблағлари» ёрдамчи счётини очишни тавсия этамиз.

5530-сётда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва чет элдаги бошқа махсус счётлардаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади (Йўриқноманинг 232-банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова).

## БОШҚА ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР

**?** «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация марказига соф тушумдан 1% миқдоридagi ажратмалар бухгалтерия ҳисобида қайси счётларда акс эттирилади?

– «Mirzo Ulugbek Innovation Center» ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни қўллаб-қувватлаш инновация марказининг Дирекциясига ҳар ойлик ажратмалар 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади (Йўриқноманинг 407-моддаси, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова; ВМнинг 5.02.1999

йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.3.14-банди).

Эслаб ўтайтиш, Дирекция таъминоти учун Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига кўра белгиланган ставкалар бўйича Инновация маркази резидентларининг ҳар ойлик ажратмалари (соф тушумнинг 1% миқдоридан юқори бўлмаган ҳолда) ҳисобига амалга оширилади (ВМнинг 15.08.2017 йилдаги 631-сон қарори 5-банди).

## ЮРИДИК ШАХСЛАР ЎРТАСИДА – ФАҚАТ НАҚДСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ

**?** Корхона божхона агенти сифатида хизматлар кўрсатади. Мижозлардан бири бўлмиш юридик шахс хизматлар учун нақд пул тўламоқчи. Хизматлар кўрсатиш учун шартнома мавжуд. НКМ ва савдо терминали мавжуд эмас. Пул маблағларини инкассация қилиш учун шартнома тузилмаган.

Корхона кўрсатилган хизматлар бўйича қарзни сўндириш учун юридик шахсдан нақд пул маблағларини олиши мумкинми?

– Йўқ, божхона агентлари сифатида хизматлар кўрсатадиган корхона бошқа юридик шахсдан кўрсатилган хизматлар бўйича қарзни сўндириш учун нақд пул маблағларини қабул қила олмайди.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади (ФКнинг 790-моддаси 2-қисми).

Айрим фаолият турлари учун истиснолар назарда тутилган. Масалан, юридик шахслар ўзлари ишлаб чиқарган товарларни бошқа юридик

шахсларга ва яққа тартибдаги тадбиркорларга нақд пулда сотиши мумкин. Бунда ўзаро ҳисоб-китоблар битта шартнома доирасида республикада белгиланган ЭКИХнинг 100 бараваригача нақд пулда назорат-касса машиналаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилишига рухсат этилади (ВМнинг 19.03.1999 йилдаги 125-сон қарорининг 2-банди).

Божхона агентлари сифатида хизматлар кўрсатадиган корхоналар учун бундай истиснолар назарда тутилмаган.

### Эътибор беринг!

Аҳолига пуллик ҳисоб-китоблар бўйича божхона агентлари сифатида хизматлар кўрсатишида корхонангиз НКМдан фойдаланиши шарт (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарорига 1-илова). Хўжалик юритувчи субъектлар аҳолига пластик карталарни қўллаган ҳолда хизматлар кўрсатишида пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи тўлов терминалларида фойдаланадилар (Низомнинг 2-банди, АВ томонидан 27.07.2009 йилда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Жавобларни «Norma» МҲЖ экспертлари тайёрладилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

9.12.2019 й.

01/00-04/09-9668-сон

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 ноябрдаги «2020 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисидаги ПҚ-3875-сон фармонининг бажарилишини таъминлаш мақса-  
дида ишда фойдаланиш учун 2020 йилга мўлжалланган иш вақти фонди ҳисоб-китобини тавсия этади.

**Б.УМУРЗАКОВ,**  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари.

2020 йил учун иш вақти  
ҲИСОБ-КИТОБИ

(соатларда)

Иш соатлари сони	Январь		Февраль		Март		Апрель		Май		Июнь		Июль		Август		Сентябрь		Октябрь		Ноябрь		Декбрь		Итого	
	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида
5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	176	160	167	503	176	167	176	519	1022	175	168	167	510	1532	168	168	174	510	1020	168	168	174	510	2042	128	256
6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	167	165	160	492	174	165	174	513	1005	173	165	166	504	1509	172	167	172	511	1015	172	167	172	511	2020	153	304
36 соатли иш ҳафтасида	150	150	142	442	156	148	156	460	902	155	150	149	454	1356	156	150	154	460	914	156	150	154	460	1816	128	256
Иш кунлари сони	22	20	21	63	22	21	22	65	128	22	21	21	64	192	21	21	22	64	128	21	21	22	64	128	128	256
	25	25	24	74	26	25	26	77	151	26	25	25	76	227	26	25	26	77	153	26	25	26	77	153	153	304

Иш соатларининг меъёри (иш вақти) қуйидагича белгиланади:  
5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида: 8 соатли иш кунли ва 7 соатли байрам олди иш кунлари ҳисобга олинади;  
6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида: 7 соатли иш кунли ва дам олиш-дан олдинги 5 соатли иш кунли, шунингдек байрам олди кунлари 6 соат-ли (шанба кунига тўри келса - 4 соатли) иш кунли ҳисобга олинади;  
36 соатли иш ҳафтасида: 6 соатли иш кунли ва 5 соатли байрам кунидан олдинги иш кунлари ҳисобга олинади.

БАЙРАМ КУНЛАРИ:  
1 январь - Янги йил  
8 март - Халқаро хотин-қизлар кунли  
21 март - Наврӯз байрами  
9 май - Хотира ва қадрлаш кунли  
24 июнь\* - Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр)  
31 август\* - Курбон ҳайити (Ийд ал-Адха)  
1 сентябрь - Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунли  
1 октябрь - Уқитувчи ва мураббийлар кунли  
8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунли

\*Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Курбон ҳайити (Ийд ал-Адха) байрамларининг курабатланган кунлари бир кунга ўзгариши мумкин.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ:**  
– «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».
- **2020 ЙИЛ УЧУН ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ, ЕР СОЛИҒИ ВА ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА ТЎЛАШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ ва боғхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага\*\*

мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.*

*Тошкент ш.,  
2019 йил 25 ноябр  
951-сон.*

*ЎзР ВМнинг 2019 йил 25 ноябрдаги 951-сон қарорига  
1-ИЛОВА*

### **МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ, ЕР СОЛИҒИ ВА ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА ТЎЛАШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

#### **1-БОБ. УМУМИЙ ҚОЙДАЛАР**

1. Мазкур Низом маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда солиқ тўловчилар деб аталади) мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш (кейинги ўринларда солиқларни тўлаш муддатини узайтириш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Солиқларни тўлаш муддати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан молиявий ҳолати солиқ қарздорлигини белгиланган муддатда тўлашга имкон бермайдиган юридик шахслар учун узайтирилади.

3. Солиқларни тўлаш муддати қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда узайтирилади:  
агар солиқлар, пенялар ва жарималар бўйича қарздорликнинг бир марталик тўлови солиқ тўловчини иқтисодий ночорликка (банкротликка) олиб келса;

солиқ тўловчининг ишлаб чиқариш ва (ёки) товарлар ва хизматлар реализацияси мавсумий хусусиятга эга бўлса;

солиқ тўловчига табиий офат, технологик фалокат ёки ёнгиб бўлмайдиган кучларнинг бошқа ҳолатлари натижасида зарар етказилган тақдирда.

4. Солиқларни тўлаш муддати солиқ тўловчиларга бир ойдан йигирма тўрт ойгача:

солиқ қарздорлигининг бутун суммасига ёки унинг бир қисмига (масалан, муайян санага ҳисобланган суммага) ёки келгусида юзага келадиган солиқ қарздорлигига нисбатан;  
ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган бир солиқ ёки солиқларнинг бир неча турлари бўйича узайтирилиши мумкин.

Солиқларни тўлаш муддатини навбатдаги узайтириш тўлаш муддати узайтирилган солиқ тўловчига нисбатан солиқларнинг кечиктирилган суммаси тўлиқ тўланган сандан бошлаб уч йилдан кам бўлмаган муддатдан кейин берилиши мумкин, ушбу Низомнинг 3-банди тўртинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

5. Солиқларни тўлаш муддати 3-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда узайтирилса солиқ

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) расман эълон қилинган ва 26.11.2019 йилдан кучга кирган.  
\*\*Қарорга 2-илова «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.  
\*\*\*Низомга 1–2-иловалар «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

қардорлиги суммасига солиқ қардорлиги учун белгиланган пеня миқдориди фоизлар ҳисобланади.

Солиқлар бўйича пеня ҳисоблаш тегишли солиқлар бўйича муддатнинг узайтирилиши амал қилиш даври бошлангандан бошлаб тўхтатилади.

Тўлаш муддатини узайтиришдан фойдаланганлик учун фоизлар уларга нисбатан муддат узайтирилган солиқлар бўйича қардорлик суммаси тўланадиган кунда бир вақтда тўланади.

Тўлаш муддатини узайтиришдан фойдаланганлик учун фоизларни ҳисоблаб чиқариш пеняни ҳисоблаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади ва солиқ тўловчининг шахсий карточкасида кечиктирилган солиқлар учун ҳисобланган фоизлар сифатида акс эттирилади.

Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш солиқ тўловчига унинг соф активлари қийматидан ошмайдиган суммага берилади.

6. Ушбу Низомнинг 3-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатда солиқ тўлаш муддати узайтирилса, солиқ қардорлиги суммасига фоизлар ҳисобланмайди.

7. Солиқ тўловчи соддалаштирилган тартибда солиқ тўлаш муддатини узайтириши учун юридик шахснинг кафилигини тақдим этиши мумкин.

## 2-БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚЛАРНИ ТўЛАШ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТАРТИБИ

8. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ушбу Низомга 1-иловага\*\*\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгеси, вилоят халқ депутатлари Кенгаши ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг тегишли қарорлари асосида амалга оширилади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгеси, вилоят халқ депутатлари Кенгаши ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг солиқ тўлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори (кейинги ўринларда солиқ тўлаш муддатини узайтириш тўғрисида қарор деб аталади) лойиҳаси тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тайёрланади.

10. Солиқ тўловчининг ушбу Низомга 2-иловага\*\*\* мувофиқ шакл бўйича солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик шахслардан олинандиган ер солигини ва ягона ер солигини тўлаш муддатини узайтириш тўғрисида қозғ ёки электрон шаклда берилган ариза қарор лойиҳасини тайёрлаш учун асос ҳисобланади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади, ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно:

тўлаш муддати узайтириладиган солиқлар (мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи) бўйича ҳисобланган ва тўланган суммалар тўғрисида солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган солиштирма далолатнома, шунингдек, солиқ тўловчининг банкларда очилган барча ҳисобварақлари рўйхатини ўз ичига олган ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган ва тўланган пеня ва жарималар тўғрисидаги маълумотнома;

банкларнинг: аризани топширишдан олдинги олти ойлик даврда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича пул маблағларининг ҳар ойлик айланмаси тўғрисидаги; тўланмаган ҳисоб ҳужжатларининг тегишли картотекасига жойлаштирилган ҳисоб ҳужжатлари мавжудлиги ёки ушбу картотекада уларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги; солиқ тўловчининг банклардаги барча ҳисобварақларидаги пул маблағлари қолдиғи тўғрисидаги маълумотномаси;

контрагентлари рўйхати – улар билан тузилган шартномалар нусхаси илова қилинган ҳолда солиқ тўловчининг дебиторлари (ёки мажбуриятлар юзига келганлигининг бошқа асослари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар);

давлат солиқ хизматлари органларига охириги ҳисобот даври учун тақдим этилган молиявий ҳисобот;

солиқ тўловчининг мавсумий хусусиятга эга бўлган фаолият турларидан олган даромадлари улуши умумий даромадларининг камида 50 фоизини ташкил этишини тасдиқловчи ҳужжатлар. Мазкур ҳужжат солиқ тўловчининг товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариши ва (ёки) реализация қилиши мавсумий хусусиятга эга бўлганда солиқ тўлаш муддатини узайтириш учун тақдим этилади.

Ушбу бандга мувофиқ тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

11. Қуйидаги ҳолатларда солиқ тўловчи солиқ тўлаш муддатини узайтириш учун берилган аризага фақат қуйидагиларни илова қилади:

а) кафилик – солиқ тўлаш муддати соддалаштирилган тартибда узайтирилиши учун. Бунда, кафил солиқ тўловчига охириги икки йилда ҳисобланган ва тўланган солиқлар бўйича давлат солиқ хизмати органининг маълумотномасини тақдим этади. Бунда, кафиликнинг ушбу давр учун ҳисобланган солиқлари суммаси у томонидан тўлаш мажбурияти кафолатланган солиқ миқдори бўйича тўлаш муддати узайтирилаётган солиқ суммасининг уч бараваридан (бир йилга ҳисоблаганда) кам бўлмаслиги керак. Кафилик объект жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органи ва кафилик берувчи ўртасида фуқаролик қонунчилигига мувофиқ тузилади. Солиқ тўловчи томонидан солиқлар ва тегишли пеня суммалари белгилан-

## РЕКЛАМА

**ORMA**

# «СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги кўрсатмани тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Тақдирмаржон кўч., 1/1.

Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ган мuddатда тўламаган тақдирда, кафиллик бeрувчи солиқ тўловчининг мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

Тўлаш мажбурияти кафиллик билан таъминланган солиқлар белгиланган мuddатда солиқ тўловчи томонидан тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган ҳолларда, давлат солиқ хизмати органи солиқни тўлаш тўғрисидаги талабномани бажариш мuddати тугаган кундан бошлаб беш кун мобайнида кафилга кафиллик шартномаси бўйича қарздорликни тўлаш тўғрисида талабномани жўнатади.

Агар кафил кафиллик шартномаси бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани белгиланган мuddатда бажармаса, давлат солиқ хизмати органи кафилдан унинг кафиллиги билан таъминланган суммаларни мажбурий ундириш чораларини кўради.

Кафиллик шартномасига мувофиқ кафил ўзига олган мажбуриятларни бажарган, ўзи томонидан тўланган солиқ суммаларини, шунингдек, мазкур солиқлар бўйича фоизлар ҳамда солиқ тўловчининг мажбуриятларини бажариш натижасида етказилган зарарларни солиқ тўловчидан ундириш ҳуқуқи кафилга ўтади.

б) технологик ҳалокат ёки енгиб бўлмайдиган бошқа куч ҳолатлари натижасида солиқ тўловчига етказилган зарар бўйича солиқларни тўлаш мuddати узайтирилишида – табиий офатлар, технологик ҳалокат ёки енгиб бўлмайдиган кучнинг бошқа ҳолатлар натижасида солиқ тўловчига етказилган зарар қиймати тўғрисида ваколатли органининг (ташкilotнинг) эксперт хулосаси.

12. Солиқларни тўлаш мuddатини узайтириш тўғрисидаги қарорда куйдагилар кўрсатилиши шарт:

- а) тўлаш мuddати узайтирилаётган солиқ тури;
- б) тўлаш мuddати узайтирилаётган солиқ тури бўйича қарздорлик микдори;
- в) тўлаш мuddати узайтирилаётган ҳар бир солиқ тури бўйича мuddат;
- г) тўлаш мuddати узайтирилаётган ҳар бир солиқ тури бўйича тўлаш мuddати ва тартиби.

Айрим ҳолларда солиқларни тўлаш мuddатини узайтириш тўғрисидаги қарорда кафиллик тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилади.

13. Солиқларни тўлаш мuddатини узайтириш ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарор солиқ тўловчининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят халқ депутатлари Кенгашлари ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинади.

14. Солиқларни тўлаш мuddатини узайтириш тўғрисидаги қарор у қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради. Бунда ҳисобланадиган пеня солиқ тўлаш учун белгиланган кундан мазкур қарор кучга кирадиган кунга қадар бўлган бутун давр

учун, агар кўрсатилган тўлаш мuddати мазкур қарор кучга кирадиган кундан олдин келса, қарздорлик суммасига кўшилади.

15. Агар солиқларни тўлаш мuddати кафиллик бўйича узайтирилса, тўлаш мuddатини узайтириш тўғрисидаги қарор кафиллик тўғрисидаги шартнома тузилгандан сўнг кучга киради.

16. Солиқларни тўлаш мuddатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги қарор куйдаги ҳолатларда қабул қилиниши мумкин:

солиқ ҳақидаги қонунлар бузилиши билан боглик жиноят белгиларига кўра жиноят иши кўзатилган бўлса;

солиқ тўлаш шартлари бузилиши муносабати билан олдин тақдим қилинган тўлаш мuddатини узайтирилишининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса;

солиқ тўловчининг тугатиш амалга оширилганда.

17. Солиқларни тўлаш мuddатини узайтириш ёки уни рад қилиш тўғрисидаги қарор нухсаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунда солиқ тўловчига ва солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати органига юборилади.

### 3-БОБ. СОЛИҚЛАРНИ ТўЛАШ МУDDАТИНИ УЗАЙТИРИШНИНГ АМАЛ ҚИЛИШНИ ТўХТАТИШ

18. Солиқларни тўлаш мuddати узайтирилишининг амал қилиши қарорнинг амал қилиш мuddати тугагач ёхуд куйдаги ҳолларда бундай мuddат тугагач тўхтатилиши мумкин:

белгиланган мuddат тугагунга қадар солиқ қарздорлигининг барча кечиктирилган суммалари тўланганда;

тўлаш мuddати узайтирилиши амал қилишини ихтиёрий тўхтатиш тўғрисида солиқ тўловчининг аризасига асосан;

солиқ тўловчининг тугатиш тартиби бошланганда.

19. Давлат солиқ хизмати органи ушбу Низомнинг 18-банди иккинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда солиқларни тўлаш мuddатини узайтириш белгиланган мuddатидан олдин тўхтатилганлиги тўғрисида солиқ тўловчини ва маҳаллий давлат ҳокимияти органини хабардор қилиши шарт.

### 4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

20. Давлат солиқ хизмати органлари мазкур Низом талабларига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

21. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқларни тўлаш мuddатини узайтириш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим қилинган ахборот асосида алоҳида ҳисоб юритилади.

22. Солиқларни тўлаш мuddатини узайтириш бўйича солиқлар суммалари ўз вақтида тўланишини назорат қилиш давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Р  
Е  
К  
Л  
А  
М  
А



## «КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Тал. Нимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.  
E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz



**МИСОЛ. Халқаро шартномага мувофиқ солиқ солишдан озод этилган норезидентнинг даромадларини ЖШДС ва ЯИТ бўйича ҳисоботда акс эттириш**

РФ ва Ўзбекистон ўртасида тузилган даромадлар ва мол-мулкка иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ резидентлик сертификати мавжуд бўлганда РФ фуқароси – Ўзбекистон норезидентининг даромадларига Ўзбекистонда ЖШДС солинмайди. ЖШДС бўйича ҳисоботда бундай даромадлар қуйидагича акс эттирилади:

- даромадлар сифатида:  
ЖШДС ва ЯИТ ҳисоб-китобига 4-илованинг 010-сатрида;  
ЖШДС ва ЯИТ Ҳисоб-китобининг 013-сатрида;
- имтиёз сифатида – ЖШДС ва ЯИТ ҳисоб-китобига 2-илованинг 0611-сатрида. Рўйхатдан имтиёз турини – «СК 4-моддаси бўйича» танланг. Имтиёзли даромад суммаси 4-илованинг 020-сатрида автоматик равишда акс эттирилиб, норезидентнинг солиқ солинадиган даромади ногла тенг бўлади.

Корхонангиз юқори малакали чет эллик мутахассисларни жалб этса, уларнинг даромадларидан 2 баравар пасайтирилган ставкада ЖШДС ушлаб қолинг (7.11.2018 йилдаги ПҚ-4008-сон қарорнинг 5-банди).

**МИСОЛ. Юқори малакали чет эллик мутахассисларнинг даромадларини ЖШДС ва ЯИТ бўйича ҳисоботда акс эттириш**

Корхона меҳнат контракти бўйича юқори малакали мутахассис – Франция фуқаросини жалб этди. Норезидентнинг худди шундай даромадларига 20%лик ставкада ЖШДС солинади. Бироқ юқори малакали чет эллик мутахассисларнинг даромадларига 2 баравар пасайтирилган солиқ ставкаси – 10% қўлланилади.

ЖШДС бўйича ҳисоботда ушбу имтиёз қуйидагича акс эттирилади:

- ҳисобланган даромад суммаси:  
ЖШДС ва ЯИТ ҳисоб-китобига 4-илованинг 010-сатрида;  
ЖШДС ва ЯИТ Ҳисоб-китобининг 013-сатрида;
- ҳисобланган даромад суммасининг 50%и – имтиёз сифатида – ЖШДС ва ЯИТ ҳисоб-китобига 2-илованинг 0621-сатрида. Рўйхатдан имтиёз турини – ПҚ-4008-сон қарор бўйича танланг. Имтиёзли даромад суммаси 4-илованинг 020-сатрида автоматик равишда акс эттирилиб, норезидентнинг солиқ солинадиган даромадини камайтиради. Ўртадаги фарққа эса белгиланган ставкада солиқ солинади.

**Ирина АХМЕТОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.**

Давоми бор.


**РЕКЛАМА**

 «КИЧИК КОРХОНА  
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»  
Ўзбек тилидаги қўлланилмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талғимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, webs www.norma.uz



# ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ МИСОЛЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАРДА



## ДИВИДЕНДЛАР ВА ФОИЗЛАРДАН ТЎЛОВ МАНБАИДА УШЛАБ ҚОЛИНАДИГАН ЖШДС ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ

Дивидендлар ва фоизлар жисмоний шахснинг мулкӣ даромадлари ҳисобланади (Солиқ кодексининг\* 176-моддаси 1, 2-бандлари). Алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда (НХҲ) ставкани камайтириш ёки солиқ тўлашдан озод қилиш кўринишидаги имтиёзлар назарда тутилмаган бўлса, уларга тўлов манбаида 5%лик ставкада солиқ солинади (Солиқ кодексининг 181, 184-моддалари).

### МИСОЛ. НХҲга мувофиқ дивидендлардан солиқ тўлашдан озод қилиш

Қуйидаги ҳудудларда рўйхатга олинган ва фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслар муассислари томонидан олинган дивидендлар 2028 йилнинг 1 январига қадар солиқ тўлашдан озод қилинган (29.09.2017 йилдаги ПҚ-3301-сон қарорнинг 6-банди):

- Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Конимех туманлари;
- Нурота туманидаги Деҳқабаланд, Сентоб, Темирқовуқ, Қизилча, Гум ва Чўя аҳоли пунктлари;
- Зарафшон шаҳри.



Норезидентга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга 10%лик ставкада ЖШДС солини (Солиқ кодексининг 182-моддаси).

Дивидендлар ва фоизлар олиш меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича ишларни бажариш билан боғлиқ бўлмаганлиги сабабли улардан ШЖБПҲга бадалларни ҳисобламанг (АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом).

\*Бу ерда ва кейинги ўринларда 1.01.2020 йилгача амалда бўлган Солиқ кодекси кўрсатилган.

## Дивидендлардан ЖШДС

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорни ҳар чоракда, ярим йилда, 9 ойда бир марта ёки йилда бир марта қабул қилиш мумкин. Акциядорлик жамиятларида оралиқ дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати чекланган – тегишли давр тугагач уч ой ичида («Акциядор-

лик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддаси, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси).



*Қуйидагилар дивидендлар деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 22-моддаси):*

- акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад;
- юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соф фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми;
- юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади;
- тақсимланмаган фойда устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг (иштирокчисининг, аъзосининг) қўшимча акциялар қиймати, улуш (пай, ҳисса) қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари.

АЖда акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан дивидендларни қуйидаги кўринишда тўлаш мумкин (АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 48-моддаси):

- пул маблағлари билан;
- жамиятнинг қимматли қоғозлари билан;
- бошқа қонуний тўлов воситалари билан.



*АЖнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.*

МЧЖда муассисларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилиши қарори билан дивидендлар қуйидаги кўринишда тўланиши мумкин:

- пул маблағлари билан;
- товар-моддий қимматликлар (асосий воситалар,

номоддий активлар, материаллар, тайёр маҳсулотлар, товарлар) билан.

Жисмоний шахсга дивидендларни тўлаётганда қарор қабул қилинган пайтда эмас, балки улар олувчига амалда тўланган пайтда солиқ ушлаб қолинг.



*Дивидендларни ҳисоблаш чоғида амалда бўлган солиқ ставкаси уларни тўлаш пайтига келиб ўзгарган бўлса, тўлаш пайтидаги солиқ ставкасини қўлланг.*

### **МИСОЛ. Дивидендлар ҳисобланган пайтдаги солиқ ставкаси ўзгарганда уларни тўлаш**

Қорхона муассисларининг умумий йиғилиши 2018 йилнинг 9 ойидаги февралдаги яқунларига кўра соф фойданинг бир қисмини дивидендларни тўлаш учун тақсимлашга қарор қилди. 2018 йилда дивидендлар тарзидаги даромад солиғи ставкаси 10%ни ташкил этган, 2019 йилда резидентлар учун у 5%га пасайтирилган.

Дивидендларнинг бир қисми 2018 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида тўланган, тўлаш чоғида уларга 10%лик ставкада солиқ солинган. 2018 йилда ҳисобланган дивидендларнинг қолган қисми 2019 йилнинг январь ойида тўланган ва тўлаш чоғида уларга 5%лик ставкада солиқ солинган.



Муассисларга (акциядорларга) ҳисобланган дивидендларни фойдани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кечиктирмасдан тўланган (АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 51-моддаси, МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддаси). Белгиланган муддатда тўланмагани учун пеня ҳисобланади. Унинг миқдори МБнинг қайта молялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади, бироқ тўланмаган дивидендлар суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаслиги керак (АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 53-моддаси).

### **МИСОЛ. Дивидендларни пул маблағлари билан тўлаш**

2019 йилнинг II чорағида МЧЖ 50 000 минг сўм соф фойда олган. Муассислар – Ўзбекистон резидентлари бўлган жисмоний шахслар. Июль ойида муассисларнинг умумий йиғилиши фойданинг бутун суммасини дивидендлар сифатида тақсимлашга ва уларни пул маблағлари билан тўлашга қарор қилди. Август ойида 2 500 минг сўм (50 000 x 5%) миқдоридagi солиқ чегирилган ҳолда муассисларга дивидендларнинг бутун суммаси тўланган.

Календарь йил ЖШДС бўйича солиқ давридир, яъни йил натижаларига кўра ортиб боровчи якун чиқарилади. Йил ойи даромад тўлаш манбаида ЖШДСни ушлаб қолувчи солиқ агентлари учун ҳисобот давридир, яъни ҳисоботни ҳар ой тақдим этиш лозим (*Солиқ кодексининг 183-моддаси*).

ЖШДС ва ЯИТ ҳисоб-китобини қуйидаги муддатларда ДСИга тақдим этинг (*Солиқ кодексининг 187-моддаси*):

- ҳар ойда – ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай;
- йил якунлари бўйича – йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида.



*Йиллик молиявий ҳисоботни солиқ органларига тақдим этишнинг қуйидаги муддатлари белгиланган (942-сон Низом):*

- ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай – хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, Ўзбекистонда доимий муассаса орқали фаолият юритувчи чет эл фирмаларининг ваколатхоналари ва норезидентлар учун;
- 15 февралдан кечиктирмай – қолган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун.

## Норезидент жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича ҳисобот қандай тўлдирилади

ЖШДС ва ЯИТ ҳисоб-китобини тўлдириш ва ДСИга тақдим этиш учун электрон рақамли имзоингиз (ЭРИ) воситасида [www.my.soliq.uz](http://www.my.soliq.uz) сайтидаги солиқ тўловчининг шахсий кабинетига кинг ва 11101\_6 кодли ҳисоботни танланг.

Норезидент жисмоний шахсларнинг Ўзбекистондаги даромадлар манбаидан олинган даромадлари тўғрисидаги маълумотларни 4-иловада акс эттиринг. Уни йил бошидан ортиб боровчи якун билан сўмда тўлдиринг.



*Ҳисоботнинг фақат кўк рангли катакларини тўлдиринг. Сарик ранглиларини дастур автоматик равишда тўлдиради.*

Норезидентга иш ҳақини хорижий валютада тўласангиз, буни эса унинг Ўзбекистондан ташқаридаги счётига пул ўтказиш йўли билангина амалга ошириш мумкин, солиқ

тўлаш мақсадида унинг даромадини даромад амалда тўланган (ўтказилган) санадаги МБ курси бўйича сўмда қайта ҳисоблаб чиқинг (*Солиқ кодексининг 170-моддаси*).

### **МИСОЛ. Норезидентга хорижий валютада тўланган даромаддан солиқ ҳисоблаш**

*Корхона чет эллик ходим – норезидентга у резидентни бўлган мамлакатдаги счётига пул ўтказиш йўли билан 2 000 АҚШ доллари миқдоридан иш ҳақи тўлайди. Пул ўтказиш санасида доллар курси 9 454,24 сўмни ташкил этган. Тегишинча, норезидентнинг даромади 18 908 480 сўмни (2 000 х 9 454,24) ташкил этади. 20%лик ставкада ушлаб қолинган ЖШДС 3 781 696 сўмни (18 908 480 х 20%) ташкил этади.*

Норезидентлар бўйича ЖШДС ставкаларини улар олган даромадларга қараб қўлланг (*Солиқ кодексининг 182-моддаси*):

- 6% – улар халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан оладиган (фрахтдан олинган даромадларга);
- 20% – меҳнат шартномалари (контрактлари),

фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар ҳамда дивидендлар ва фоизлардан ташқари бошқа даромадлар бўйича.

Ходим резидентни бўлган давлат билан иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисида битим тузилган бўлса, ушбу битим нормаларини қўлланг (*Солиқ кодексининг 4-моддаси*).

## РЕКЛАМА



# «СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Тақдирмаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: [office@norma.uz](mailto:office@norma.uz), web: [www.norma.uz](http://www.norma.uz)



## ЧЕТ ЭЛЛИК ХОДИМЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИДАН ЖШДС ҚАНДАЙ ТЎЛАНАДИ ВА У БЎЙИЧА ҲИСОБОТ ҚАНДАЙ ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

### Чет элликларнинг даромадларидан ЖШДС

Чет эллик ходимлар – резидентлар ва норезидентларнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоблаб, уни уларнинг ШЖБПҲга ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтиринг. ШЖБПҲга бадаллар ставкаси ЖШДС солинади-

ган даромадларнинг 0,1%ини ташкил этади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди). ШЖБПҲга бадалларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 1515-сон Низом билан белгиланган.



Фақат Ўзбекистон ҳудудида доимий яшовчи, яъни яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг даромадларидан ШЖБПҲга бадаллар ажратинг (Низомнинг 2-банди, 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармонга 2-илова). Улар Ўзбекистон фуқаролари билан тенг ҳолатда жамғариб бориладиган пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқдан фойдаланадилар («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси; 1515-сон Низомнинг 6-банди).

ЖШДСнинг ҳисоблаб чиқарилган суммасидан ШЖБПҲга бадаллар суммасини айиринг. Фарқи иш ҳақини олиш (ўтказиш) учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан

бир вақтда, бироқ ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга тўланг (Солиқ кодексининг 188-моддаси).

### ЖШДС бўйича ҳисобот қачон топширилади

Чет эллик жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича ҳисоботнинг алоҳида шакли мавжуд эмас. Уларнинг даромадларини уларнинг солиқ мақомига қараб Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобидан (2-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) акс эттиринг:

• резидентлар бўйича – Ўзбекистон фуқаролари бўлган жисмоний шахсларнинг даромадлари билан бир қаторда умумий тартибда;

• норезидентлар бўйича – Ҳисоб-китобга 4-«Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган даромадлар тўғрисида маълумот» иловасида.

Бухгалтерия ҳисобида дивидендларнинг, шунингдек улар бўйича ЖШДСнинг ҳисобланиши ва тўланишини қуйидагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Июль ойида дивидендлар ҳисобланган	50 000	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Август ойида дивидендларни тўлаш чоғида улардан ЖШДС ҳисобланган ва бюджетга тўланган	2 500	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Дивидендлар муассислар пластик карталарига ўтказилган	47 500	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Дивидендларни тўлаш учун ҳисоб-китоб счётидан нақд пул олинган		5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Дивидендлар кассадан тўланган		6610-«Тўланадиган дивидендлар»	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»

ҚҚС тўловчиси бўлсангиз, муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк беришга ҚҚС солинишини инобатта олинг (Солиқ кодексининг 199-моддаси 1-қисми 1-банди). Уни берилган мол-мулк қийматидан

қелиб чиқиб ҳисобланг (Солиқ кодексининг 204-моддаси). Бу ҳолда берилган мол-мулкнинг қиймати ЖШДС ушлаб қолинганидан кейин тўланиши лозим бўлган дивидендлар суммаси ҳисобланади.



Дивидендлар ҳисобига товарларни, маҳсулотларни, бошқа ТМЗни бераётган ёки ишларни бажараётган, хизматларни кўрсатаётган бўлсангиз, ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база уларнинг таннархидан ёки олинган нархидан паст бўлмаслиги керак. Агар асосий воситаларни, НМАни ёки тугалланмаган қурилш объектларини бераётган бўлсангиз – уларнинг қолдиқ (баланс) қийматидан паст бўлмаслиги лозим (Солиқ кодексининг 204-моддаси).

### МИСОЛ. Дивидендларни таннархидан паст товарлар билан тўлаш

2019 йилнинг III чоразида МЧЖ – 15%лик ставкада ҚҚС тўловчи 50 000 минг сўм соф фойда олган. Муассислар – Ўзбекистон резидентлари бўлган жисмоний шахслар. Октябрь ойида муассисларнинг умумий йиғилиши фойданинг бутун суммасини дивидендлар сифатида тақсимлаб, уларни таннархи 52 000 минг сўмни ташкил этадиган товарлар билан тўлашга қарор қилди. Дивидендлардан солиқ суммаси 2 500 минг сўмни (50 000 x 5%), тўланиши лозим бўлган дивидендлар суммаси эса 47 500 минг сўмни (50 000 – 2 500) ташкил этади. Ноябрь ойида муассисларга дивидендларнинг бутун суммасига тенг товарлар берилди.

Товарларнинг таннархи (52 000 минг сўм) ҚҚСиз реализация қилиш қийматидан юқори (47 500 / 115 x 100 = 41 304,3 минг сўм) эканлиги боис таннархдан қелиб чиқиб ҚҚСни қўшимча ҳисоблаш лозим.

Бухгалтерия ҳисобида дивидендларнинг товарлар билан тўланишини қуйидагича акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Октябрь ойида дивидендлар ҳисобланган	50 000	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Ноябрь ойида дивидендларни тўлаш ҳисобига товарларни бериш чоғида улардан ЖШДС ҳисобланган ва бюджетга тўланган	2 500	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Дивидендларни тўлаш ҳисобига товарлар берилган	41 304,3		9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»
Реализация қиймати – тўланиши лозим бўлган дивидендлар суммасидан қелиб чиқиб ҚҚС ҳисобланган (47 500 / 115 x 20)	6 195,7	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Товарлар таннархидан (сотиб олиш қийматидан) қелиб чиқиб ҚҚС қўшимча ҳисобланган ((52 000 – 41 304,3) x 15%)	1 604,4	9430-«Бошқа операция харажатлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Берилган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилган	52 000	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2910-«Омбордаги товарлар»

**Вазият. Дивидендларни асосий восита билан тўлаш**

2019 йилнинг III чорагида МЧЖ – 15%лик ставкада ҚҚС тўловчи 50 000 минг сўм соф фойда олган. Муассислар – Ўзбекистон резидентлари бўлган жисмоний шахслар. Октябрь ойида муассисларнинг умумий йиғилиши фойданинг бутун суммасини дивидендлар сифатида тақсимлашга қарор қилди. Устав капиталида 50%лик улушга эга бўлган муассисларидан бирига асосий восита – автомобилни дивидендлар сифатида беришга қарор қилинди. Унинг бошланғич қиймати – 50 000 минг сўм, ҳисобланган амортизация суммаси – 20 000 минг сўм, қайта баҳолаш сальдоси – 10 000 минг сўм.

МЧЖ ҚҚС тўловчиси бўлганлиги сабабли автомобилни бериш чоғида реализация қийматидан солиқ ҳисоблаш керак. Бунда солиқ солинадиган база автомобилнинг қолдиқ қийматидан паст бўлмаслиги керак (Солиқ кодексининг 204-моддаси).

Муассисга ҳисобланган дивидендлар суммаси 25 000 минг сўмни (50 000 x 50%) ташкил этади.

Дивидендлардан солиқ суммаси – 1 250 минг сўм (25 000 x 5%), тўланиши лозим бўлган дивидендлар суммаси – 23 750 минг сўм (25 000 – 1 250). Ноябрь ойида автомобиль қайта расмийлаштирилиб, муассисга берилди.

Бу ҳолда реализация қиймати (23 750 / 115 x 100 = 20 652,2 минг сўм) автомобилнинг қолдиқ қийматидан (50 000 – 20 000 = 30 000 минг сўм) кам. Шу сабабли ҚҚС қолдиқ қийматидан ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида дивидендларнинг асосий восита билан тўланишини куйидагича акс эттиринг:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Октябрь ойида дивидендлар ҳисобланган	25 000	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Ноябрь ойида дивидендларни тўлаш ҳисобига автомобилни бериш чоғида улардан ЖШДС ҳисобланган ва бюджетга тўланган	1 250	6610-«Тўланадиган дивидендлар» 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Дивидендларни тўлаш ҳисобига автомобиль берилган	23 750	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС ҳисобланган (30 000 x 15%)	4 500	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Автомобилнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилган	50 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0160-«Транспорт воситалари»
Автомобиль бўйича ҳисобланган амортизация ҳисобдан чиқарилган	20 000	0260-«Транспорт воситаларининг эскириши»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Қайта баҳолаш сальдоси ҳисобдан чиқарилган	10 000	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Автомобилнинг чиқиб кетишидан кўрилган молиявий натижа (зарар) акс эттирилган (23 750 + 10 000 – 30 000 – 4 500)	750	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Муассис МЧЖ иштирокчилари таркибидан чиқса ва ўз улушини олса, унинг дивидендлар тарзидаги даромадини куйидагича аниқланг: тўланиши лозим бўлган даромад суммасидан у устав капиталига ҳисса сифатида киритган мол-мулк қийматини айиринг.

Жамият чиқиб кетаётган муассиснинг улушини сотиб олса, унинг ҳақиқий қийматини тўлаши шарт (МЧЖ тўғри-

сидаги Қонуннинг 22-моддаси 5-қисми). Уни муассиснинг ўз улушини олишни талаб қилиб мурожаат қилишдан олдинги охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот маълумотлари асосида аниқланг. Бироқ аввал куйидаги формуладан фойдаланиб, жамиятнинг соф активлари нимага тенглигини ҳисобланг:

$$\begin{array}{l}
 \boxed{\text{Соф активлар}} = \boxed{\text{Активлар (баланс активининг 400-сатри)}} - \boxed{\text{Мажбуриятлар (баланс пассивининг 770-сатри)}} \\
 \boxed{\text{Улушнинг ҳақиқий қиймати}} = \boxed{\text{Соф активлар}} \times \boxed{\text{Муассиснинг улуши (\%)}}
 \end{array}$$



Олинган маълумотлар тўғрилигини қуйидагича текширинг:

$$\boxed{\text{1-илованинг 7-устунидаги ортиб борувчи якун}} = \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 060-сатри 3-устуни}} + \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 060-сатри 4-устуни}}$$

II бўлимда жисмоний шахсларнинг дивидендлари ва фоизлари бўйича маълумотларни акс эттиринг:

- 070-сатрда – ҳисобот (солиқ) даврида ҳисобланган дивидендлар ва фоизлар;



Кiritилган маълумотлар тўғрилигини қуйидагича текширинг:

$$\boxed{\text{2-илованинг 5-устунидаги ортиб борувчи якун}} = \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 070-сатри 3-устуни}} + \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 070-сатри 4-устуни}}$$

- 080, 081, 082-сатрларда – солиқ солинадиган база, яъни ҳисобот (солиқ) даврида резидентлар ва норезидентларга тўланган дивидендлар ва фоизлар;



Кiritилган маълумотлар тўғрилигини қуйидагича текширинг:

$$\boxed{\text{2-илованинг 6-устунидаги ортиб борувчи якун}} = \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 080-сатри 3-устуни}} + \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 080-сатри 4-устуни}}$$

- 090, 091, 092-сатрларда – солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши. Имтиёзларнинг турларини рўйхатдан танланг;



Кiritилган маълумотлар тўғрилигини қуйидагича текширинг:

$$\boxed{\text{2-илованинг 8-устунидаги ортиб борувчи якун}} = \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 090-сатри 3-устуни}} + \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 090-сатри 4-устуни}}$$

- 100, 101, 102-сатрларда – камайтиришларни ҳисобга олган ҳолда солиқ солинадиган база, шу жумладан резидентлар ва норезидентлар бўйича;
- 110 ва 111-сатрларда – резидентлар ва норезидентлар учун солиқ ставкалари;
- 120-сатрда – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси. У солиқ солинадиган базани солиқ ставкасига кўпайтириш орқали автоматик тарзда ҳисобланади.



Кiritилган маълумотлар тўғрилигини қуйидагича текширинг:

$$\boxed{\text{2-илованинг 7-устунидаги ортиб борувчи якун}} = \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 120-сатри 3-устуни}} + \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 120-сатри 4-устуни}}$$

## Барча ҳисобот шакллари тўлдирилгандан сўнг нима қилиш керак

Дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромадларга солиқ бўйича барча ҳисобот шаклларини тўлдиргандан сўнг:

- ҳисоботни сақлаб қўйишингиз ва кейинроқ жўнатишингиз;

- дарҳол жўнатишингиз мумкин.

«Журнал» бўлимида ҳисоботнинг ҳолатини – солиқ органлари томонидан қабул қилингани ёки хатолар мавжудлиги сабабли қабул қилиниши рад этилганини текшириш мумкин.

Жўнатган ҳисоботингиз «Ишлов бериш жараёнида»

бўлимига жойлаштирилади. Ҳисоботга ишлов бериш жараёнида тегишли катаклари тўғри ва тўлиқ тўлдирилгани автоматик равишда текширилади.

Хатолар аниқланса, ҳисобот «Хатолар мавжуд» бўлимига жойлаштирилади. Даромадларни олувчилар тўғрисидаги маълумотноманинг файл-шаблонини тўлдириш чоғида хатоларга йўл қўйилган бўлса, уни сақлаб қўйилган ҳисоботдан юклаб олиб, хатоларни тузатинг.

Ҳисоботда хатолар топилмаса, «Жўнатилган» бўлимига жойлаштирилади.





Жисмоний шахслар ўз даромадларини, шу жумладан дивидендлар ва фойзаларни, муайян мақсадларга йўналтириб, ушбу суммалар қисмида солиқ солишдан озод қилинадилар (Солиқ кодексининг 179-моддаси). Шунингдек, жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун 4 ЭКИҲ миқдоридаги даромадларни солиқ солишдан озод қилиш шаклида имтиёз мавжуд (Солиқ кодексининг 180-моддаси 2-қисми). Корхонангиз дивидендлар ва фойзаларни олувчилар учун асосий иш жойи бўлса, даромадларни қисман озод қилиш шаклидаги ушбу имтиёзни қўллашнинг мумкин. Акс ҳолда улар йиллик даромадлари тўғрисида декларация топширгандагина имтиёздан фойдаланишлари мумкин (Солиқ кодексининг 180-моддаси 6, 7-қисмлари).

Файл-шаблонни тўлдиргач, Ҳисоб-китобга 1 ва 2-иловаларни тўлдиршига ўтинг. Иловаларнинг 5, 6, 7 ва 8-устунлари «Олдинги ҳисобот даври учун, жами» биринчи сатрига олдинги ҳисобот даври учун тегишли иловалардаги якуний маълумотларни киритинг. I чорак

учун иловаларни тўлдиратган бўлсангиз, биринчи сатрда ноль қўйинг.

«Жорий ҳисобот даври учун, жами» иккинчи сатрига файл-шаблондаги расшифровкаларнинг якуний маълумотларини киритинг.

### Ҳисоб-китоб қандай тўлдирилади

Ҳисоб-китоб алоҳида жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан норезидентлар бўйича ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган даромад солиғи сум-

масини аниқлаш имконини беради. Файл-шаблондаги расшифровкалардан фарқли равишда, ҳисоб-китобни ортиб борувчи якун билан тўлдириш.



Дивидендлар ва фойзалар тарзидаги даромадларга солиқ ставкасини олувчининг резидентлигига қараб белгиланг:

- резидент учун – 5% (Солиқ кодексининг 159-1, 181-моддалари);
- норезидент учун – 10% (Солиқ кодексининг 160, 182-моддалари).

I бўлимда юридик шахсларнинг дивидендлари ва фойзалари бўйича маълумотларни акс эттиринг:

- 010-сатрда – ҳисобот (солиқ) даврида ҳисобланган дивидендлар ва фойзалар;



Киритилган маълумотлар тўғрилигини қуйидагича текширинг:

$$\boxed{\text{1-илованинг 5-устунидаги ортиб борувчи якун}} = \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 010-сатри 3-устуни}} + \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 010-сатри 4-устуни}}$$

- 020, 021, 022-сатрларда – солиқ солинадиган база, яъни ҳисобот (солиқ) даврида резидентлар ва норезидентларга тўланган дивидендлар ва фойзалар;



Киритилган маълумотлар тўғрилигини қуйидагича текширинг:

$$\boxed{\text{1-илованинг 6-устунидаги ортиб борувчи якун}} = \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 020-сатри 3-устуни}} + \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 020-сатри 4-устуни}}$$

- 030, 031, 032-сатрларда – солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши. Имтиёзларнинг турларини рўйхатдан танланг;



Киритилган маълумотлар тўғрилигини қуйидагича текширинг:

$$\boxed{\text{1-илованинг 8-устунидаги ортиб борувчи якун}} = \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 030-сатри 3-устуни}} + \boxed{\text{Ҳисоб-китобнинг 030-сатри 4-устуни}}$$

- 040, 041, 042-сатрларда – камайтиришларни ҳисобга олган ҳолда солиқ солинадиган база, шу жумладан резидентлар ва норезидентлар бўйича;
- 050 ва 051-сатрларда – резидентлар ва норезидентлар учун солиқ ставкалари;
- 060-сатрда – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси. У солиқ солинадиган базани солиқ ставкасига кўпайтириш орқали автоматик тарзда ҳисобланади.

Улушнинг ҳақиқий қиймати ва у киритган ҳисса суммаси ўртасидаги ижобий фарқ муассиснинг дивидендлар тарзидаги даромади бўлади.

**МИСОЛ. Муассис чиқиб кетаётганда дивидендлар тарзидаги даромадни аниқлаш**

Устав капиталли 100 000 минг сўм бўлган МЧЖ муассислари таркибидан муассис – Ўзбекистон резиденти чиқиб кетмоқда. Унинг 40%лик улуши жамиятга ўтмоқда.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра МЧЖнинг соф активлари суммаси 120 000 минг сўмга тенг. Чиқиб кетаётган муассиснинг ҳақиқий улуши – 48 000 минг сўм (120 000 x 40%). Унинг дивидендлар тарзидаги даромади 8 000 минг сўмни (48 000 – 100 000 x 40%) ташкил этади. Солиқ суммаси 400 минг сўмга (8 000 x 5%) тенг.

Чиқиб кетаётган муассисга ҳақиқий улушнинг тўлиғини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун счётларнинг ишчи режасига 8630-«МЧЖ сотиб олган улуш» махсус счётини киритишни тавсия этамиз:


Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Чиқиб кетаётган муассис олдидаги қарз акс эттирилган: ҳақиқатда киритилган ҳисса суммасига (100 000 x 40%) улушнинг ҳақиқий қиймати ва киритилган ҳисса суммаси ўртасидаги фарққа (48 000 – 40 000)	40 000  8 000	8630-«МЧЖ сотиб олган улуш»  8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» 8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)»	6620-«Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз»
Дивидендлардан – ҳақиқий улуш ва бошланғич ҳисса ўртасидаги фарқдан ЖШДС ҳисобланган ва бюджетга тўланган (8 000 x 5%)	400	6620-«Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Чиқиб кетаётган муассиснинг пластик картасига пул маблағларини ўтказиш орқали у билан ҳисоб-китоб қилинган (48 000 – 400)	47 600	6620-«Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

**Фоишлардан ЖШДС**

Ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинган даромад фоишлар деб эътироф этилади. Шу жумладан облигациялар ва бошқа қимматли қозғошлар, депозит қўйилмалар ва бошқа қарз мажбуриятларидан олинган даромад (Солиқ кодексининг 22-моддаси).

Ўзбекистон давлат қимматли қозғошлари бўйича фоишлар, жамғарма сертификатлари бўйича даромадлар, банклардаги омонатлар бўйича фоишлар ҳамда ютуқларга ЖШДС солинмайди (Солиқ кодексининг 179-моддаси 16, 17-бандлари). Шу сабабли уларни жисмоний шахсларга солиқ ушламасдан тўланг.

Жисмоний шахс билан пул ёки товарни қарзга олиш шартномасини тузиб, фоишларни тўлаётган бўлсангиз, уларни тўлаш чоғида ЖШДСни ушлаб қолинг ва бюджетга ўтказинг (Солиқ кодексининг 184, 188-моддалари).



Қарз бўйича фоишларни ҳисоблаш чоғида амалда бўлган солиқ ставкаси уларни тўлаш чоғида ўзгарган бўлса, тўлаш чоғидаги солиқ ставкасини қўлланг.

**МИСОЛ. Пуллик қарз бўйича фоишларни тўлаш**

2018 йилнинг ноябрь ойида корхона муассис – жисмоний шахс (Ўзбекистон резиденти) билан йиллик 16% ставкада 3 ой муддатга 60 000 минг сўм олиш учун пуллик қарз шартномасини тузди. Шартномага мувофиқ фоишлар қарзни қайтариш чоғида тўланади.

Корхона ҳар ой фоишларни ҳисоблайди. 2018 йилнинг ноябрь ва декабрь ойлари учун фоишларни ҳисоблаш чоғида 10%лик солиқ ставкаси амал қилган. 2019 йилда резидентлар учун ставка 5%га пасайтирилган. Шу сабабли қарз суммаси билан бирага фоишларни тўлаш чоғида улардан 5%лик ставкада солиқ ушлаб қолинади.

3 ой ўтгач корхона муассисга қуйдагиларни тўлаши керак:

- қарз суммаси – 60 000 минг сўм;
- солиқ чегирилган ҳолда қарз бўйича фоишлар – 2 280 минг сўм (60 000 x 16% / 12 x 3 – 5%).

СОЛИҚ ҲАМДА  
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

№ 1 (1325) • 2020 йил 7 январь

11

Бухгалтерия ҳисобида солиқ ушлаб қоллинишни ҳисобга олган ҳолда пуллик қарз бўйича фоишлар тўлиғини куйидагича акс эттиринг:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Пуллик қарз олинган	60 000	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»
Қарз бўйича фоишлар ҳисобланган – 3 ой давомида ҳар ой 800 минг сўмдан (60 000 x 16% / 12 x 3)	2 400	9610-«Фоишлар кўринишидаги харажатлар»	6920-«Ҳисобланган фоишлар»
Фоишлар тарзидаги даромадлардан ЖШДС ҳисобланган ва бюджетга тўланган (2 400 x 5%)	120	6920-«Ҳисобланган фоишлар» 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Муассисга қарз суммаси қайтарилган	60 000	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Солиқ чеғирилган ҳолда қарз бўйича фоишлар ўтказилган (2 400 – 120)	2 280	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

### МИСОЛ. Товар қарзи бўйича фоишларни тўлаш

Корхона – 15%лик ставкада ҚҚС тўловчи қарз шартномаси бўйича муассис – жисмоний шахсдан (Ўзбекистон резиденти) 21 000 минг сўмлик қурилиш материалларини олган. Қарз шартномаси бўйича ТМЭни беришга ҚҚС солинади (Солиқ кодексининг 199-моддаси 1-қисми 1-банди). Шу сабабли корхона 3 ой ўтган қарз берувчига худди шу қийматдаги шунга ўхшаш материалларни ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қайтаради. Шунингдек унга солиқни чеғирган ҳолда йиллик 16% ҳисобдан фоишлар – 798 минг сўм (21 000 x 16% / 12 x 3 – 5%) тўланади.

Бухгалтерия ҳисобида солиқ ушлаб қоллинишни ҳисобга олган ҳолда товар қарзи бўйича фоишлар тўлиғини куйидагича акс эттиринг:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Қурилиш материаллари товар қарзи бўйича келиб тушган ва офисни таъмирлаш учун ҳисобдан чиқарилган	21 000	1050-«Қурилиш материаллари» 9420-«Маъмурий харажатлар»	6820-«Қисқа муддатли қарзлар» 1050-«Қурилиш материаллари»
Қарзни қайтариш чоғида у бўйича фоишлар ҳисобланган (21 000 x 16% / 12 x 3)	840	9610-«Фоишлар кўринишидаги харажатлар»	6920-«Ҳисобланган фоишлар»
Фоишлар тарзидаги даромадлардан ЖШДС ҳисобланган ва бюджетга тўланган (840 x 5%)	42	6920-«Ҳисобланган фоишлар» 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Қарз шартномаси бўйича материаллар қайтарилган	21 000	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Қайтарилмайдиган материалларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилган	16 000	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	1050-«Қурилиш материаллари»
ҚҚС ҳисобланган (21 000 / 115 x 15)	2 739,1	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Материаллар қайтариллишидан кўрилган молиявий натижа (фойда) акс эттирилган (21 000 – 16 000 – 2 739,1)	2 260,9	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»
Солиқ чеғирилган ҳолда қарз бўйича фоишлар ўтказилган (840 – 42)	798	6820-«Қисқа муддатли қарзлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

### Дивидендлар ва фоишлар ҳисоботларда

2019 йилдан бошлаб Солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб қоллинадиган дивидендлар ва фоишлар тарзида тўланадиган даромадлардан олиннадиган солиқ ҳисоб-китоби юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ҳисоботи таркибига киритилган (1-илова, АВ то-

монидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Уни уларни тўлайдиган солиқ агенти, ўзи қўллайдиган солиқ солиш тизимидан қатъи назар, ушбу даромадларни олувчи барча шахслар – жисмоний ва юридик шахслар бўйича тақдим этади.



ЖШДС бўйича ҳисобот ҳар ой тақдим этилишига қарамай, ушбу ҳисоботни юридик шахслардан олинмаган фойда солиғи бўйича белгиланган муддатларда топширинг: ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай. Йил якунлари бўйича ҳисоботни йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этинг (Солиқ кодексининг 163-моддаси).



Йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг қуйидаги муддатлари белгиланган (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом):

- ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай – хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва Ўзбекистонда доимий муассаса орқали фаолият юритувчи чет эл фирмаларининг ваколатхоналари учун;
- 15 февралдан кечиктирмай – бошқа барча ҳужалик юритувчи субъектлар учун.

Дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромаддан солиқ бўйича ҳисоботни тўлдириш ва ДСИга тақдим этиш учун электрон рақамли имзоингиз (ЭРИ) воситасида [www.my.soliq.uz](http://www.my.soliq.uz) сайтидаги солиқ тўловчининг шахсий кабинетига кириш ва 10202\_3 кодли ҳисоботни танланг.

Ҳисобот таркибига қуйидагилар киритилган:

- Солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинмаган дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадлардан олинмаган солиқ ҳисоб-китоби;

- 1-илова «Ҳар бир юридик шахс кесимида ҳисобланган дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромад суммалари ҳамда ҳисобланган солиқлар тўғрисида маълумот»;

- 2-илова «Ҳар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромад суммалари ҳамда ҳисобланган солиқлар тўғрисида маълумот».

Ҳисоботни кўк рангли катакларни тўлдирилган ҳолда йил бошидан ортиб борувчи якун билан сўмда тўлдириш. Сарик ранглиларини дастур автоматик равишда тўлдиради.



Фақат сизда мавжуд кўрсаткичлар қайд этиладиган иловаларни тўлдириш (17.04.2008 йилдаги МВнинг ЁТ/04-01-32-14/327-сон ва ДСҚнинг 16/1-4090-сон ахбороти).

Юридик шахсларга дивидендлар ёки фоизларни ҳисоблагандагина 1-илловани тўлдириш. Жисмоний шахсларга дивидендлар ёки фоизларни ҳисоблагандагина 2-илловани тўлдириш. Ҳисоботни иловалардан бошлаб тўлдириш.

## Дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадлардан олинмаган солиқ ҳисоб-китобига иловалар қандай тўлдирилади

1 ва 2-илловаларда ҳар бир юридик ва жисмоний шахс кесимида уларнинг СТИРини кўрсатган ҳолда саналар бўйича дивидендлар ва фоизлар ҳисобланиши ва тўла-

нишини акс эттириш. Бунинг учун файл-шаблонни («Шаблонни юклаб олиш» тугмаси) ва уни тўлдириш намунасини («Йўриқнома» тугмаси) юклаб олинг.



Файл-шаблонда фақат ҳисобот чорагидаги маълумотларни кўрсатинг, яъни ортиб борувчи якун билан эмас.

Файл-шаблонларни тўлдираётганда ҳарфлар ва рақамлар бир хил форматда бўлишига аҳамият беринг. Каср сонларни киритсангиз, математик яхлитлаш қоидаларига кўра уларни юздан бир улушгача (вергулдан кейин иккита рақам билан) яхлитланг. Масалан, 16666,6666... = 16666,67 ёки 83333,3333... = 83333,33.

Дивидендлар ва фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш санасини «кк.оо.йййй» форматада киритинг. Масалан, 12.07.2019. «12.07.2019 й.» деб ёзиш хато ёзув деб қабул қилинади, чунки қўшимча белгилар – «й.» мавжуд.

Норезидентларга дивидендлар ва фоизларни тўлаган бўлсангиз, файл-шаблонни қуйидагича тўлдириш:

- «Юридик шахснинг номи» устунида – даромад олувчи

хорижий компаниянинг номи, сўнг вергулдан кейин жой ташлаб «норезидент» деб кўшиб қўйинг. Масалан, «Altun Tekstil, норезидент»;

- «Жисмоний шахснинг Ф.И.О.» устунида – даромад олган норезидент жисмоний шахснинг фамилияси ва исми, сўнг вергулдан кейин жой ташлаб «норезидент» деб кўшиб қўйинг. Масалан, «Tom Ford, норезидент»;

- норезидентлар бўйича «СТИР» устунини тўлдириш.

Дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромадларни олувчилар улар бўйича имтиёзни қўллаган бўлсалар, буни 10 ва 11-устунларда акс эттириш.

**?** Тижорат корхонаси (асосий фаолият тури – транспорт хизматлари) умумбелгиланган солиқларни тўлайди, ходимлар сони – 20 киши.

Корхона ҳар чоракда солиқ инспекциясига баланс ва 2-сонли шаклни топшириши зарурми?

## ЙИЛДА БИР МАРТА ҲИСОБОТ ТОПШИРАДИЛАР

– Йўқ, кичик корхона мақомига эга бўлган корхона ҳар чоракда молиявий ҳисоботни солиқ органларига тақдим этиши шарт эмас.



Асосий фаолият тури ташиш хизматларини кўрсатиш бўлган корхона ходимларининг ўртача йиллик сони 25 кишидан ошмаса, у кичик корхона ҳисобланади (Таснифлагичнинг Н секцияси, ВМнинг 24.08.2016 йилдаги 275-сон қарорига 1-илова).

Кичик корхоналар фақат йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 4-банди).

## ИДИШЛАРГА ОИД ОПЕРАЦИЯЛАР ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

**?** Кабель маҳсулотларини барабанлари билан сотиб оламиз (ушбу идишларни 1060-счётда ҳисобга оламиз), сўнгга кабелларни ишлатиб бўлганимиздан кейин ушбу барабанларни мазкур этказиб берувчи арзонлаштирилган нархда (эскиришни ҳисобга олган ҳолда) сотамиз. Идиш нархини арзонлаштириши ва уни реализация қилиш бухгалтерия ҳисобида қандай проводкалар билан акс эттирилади?

– Идиш нархини арзонлаштиришдан кўрилган зарарни 9430-«Бошқа операциялар» счётига, реализация қилишни эса 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётига киритиш лозим (Йўриқноманинг 390-банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова).

Барча турдаги идишларнинг мавжудлиги ва ҳаракати куйидагича:

• 1060-«Идиш ва идишбоп материаллар» счётида – барча корхоналар томонидан, савдо ва умумий оқватланиш фаолияти билан шугулланадиган корхоналар бундан мустасно;

• 2950-«Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счётида – савдо ва умумий оқватланиш фаолияти билан шугулланадиган корхоналар томонидан ҳисобга олинади (Йўриқноманинг 149-банди).

Идишнинг келиб тушиши, нархи арзонлаштирилиши ва реализация қилиниши бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

Ҳужжатлик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспондентсияси	
	дебет	кредит
Куйидаги этказиб берувчилардан олинган идиш (ҳақиқий таннархи бўйича) келиб тушиши; савдо ва умумий оқватланиш корхоналари томонидан;	2950-«Товарлар билан банд ва бўш идишлар»	6010-«Мол этказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
бошқа корхоналар томонидан	1060-«Идиш ва идишбоп материаллар»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Идиш этказиб берувчиларга тўланган ҚҚС уни тўловчиларда ҳисобга олинди (соддалаштирилган ҚҚС тўловчилардан ташқари)	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	6010-«Мол этказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» 6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Идиш нархи арзонлаштирилиши акс эттирилди	9430-«Бошқа операциялар»	2950-«Товарлар билан банд ва бўш идишлар» 1060-«Идиш ва идишбоп материаллар»
Идиш реализация қилинганлиги акс эттирилди	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Реализация қилинган идиш қийматидан ҚҚС ҳисобланди	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Идишнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа акс эттирилди: фойда;	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»
зарар	9430-«Бошқа операциялар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

## ЖАМИЯТ ФОЙДАСИГА УЛУШДАН ВОЗ КЕЧИШ

**?** Муассис ўз улушидан жамият фойдасига воз кечиб, МЧЖ иштирокчилари таркибидан чиқяпти. УФдаги улуш текин берилиши бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?

– Жамиятга бериладиган улушлар 8600-«Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳи дебети бўйича ҳисобга олинади. МЧЖда ишчи счётлар режасига 8630-«Жамиятга тегишли улушлар» счётини киритишни тавсия этамиз.

Чиқиб кетаётган муассиснинг улуши жамият томонидан текин олиннишни куйидаги проводкалар билан акс эттиринг:

Дт 8630-«Жамиятга тегишли улушлар»

Кт 8530-«Текинга олинган мулк».

Муассиснинг иштирокчилар таркибидан чиқиб кетишини 8330-«Пай ва улушлар» счёти бўйича субконто ўзгариши билан акс эттиринг:

Дт 8330-«Пай ва улушлар» (чиқиб кетаётган муассис)

Кт 8330-«Пай ва улушлар» (жамият).

## АЪЗОЛИК БАДАЛЛАРИ: БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДАГИ ПРОВОДКАЛАР

**?** Ишлаб чиқариш корхонамиз 2019 йилдан умумбелгиланган солиқ солиш тизимини қўллаяпти. Ҳар йили «GS1 Uzbekistan» ассоциациясига аъзолик бадалларини тўлаймиз.

1. Аъзолик бадаллари қайси бухгалтерия счётига ўтказилади?

2. У фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритиладими?

**1** Тўланган аъзолик бадалларини улар тўланаётган пайтда куйидаги проводкалар билан акс эттириш лозим (Йўриқноманинг 160-банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова):

Дт 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» счёти

Кт 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

Олдиндан тўланган аъзолик бадалларини 12 ой давомида куйидаги проводкалар орқали давр харажатларига тенг улушларда ҳисобдан чиқариш лозим:

Дт 9430-«Бошқа операциялар харажатлар» счёти

Кт 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» счёти.

**2** Ассоциацияларга, шу жумладан халқаро ташкилотларга тўланадиган бадаллар, агар бундай бадалларни тўлаш солиқ тўловчи фаолиятининг амалга оширилиши учун мажбурий шарт бўлса ёки ЎзР Президентининг, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан амалга оширилса, чегириладиган харажатлар ҳисобланади (Солиқ кодексининг 145-моддаси 22-банди\*).

Ўз маҳсулотини штрихли кодлаштиришни, бунда GS1 тизими стандартлари ва спецификацияларидан фойдаланишни истифода қилган корхоналар GS1 миллий ташкилотларидан бирига аъзо бўлиши лозим. Халқаро қоидаларга кўра GS1 га ихтиёрий асосда аъзо бўлинади. **Корхоналарни ўз маҳсулотларига мажбурий тартибда штрихли кодлар босилишини белгилайдиган халқаро стандартлар ва битимлар мавжуд эмас.**

Шунингдек Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларни штрихли кодлаш тўғрисида низомга (ВМнинг 21.09.1999 йилдаги 438-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ маҳсулотларни (товарларни) GS1 штрихли кодла-

ри билан маркировкалаш ихтиёрий асосда амалга оширилади (Низомнинг 8, 9-бандлари).

Корхона ўз хоҳишига кўра таснифлаш ва GS1 кодлаштириш борасида корхонанинг рўйхатдан ўтказиш рақамини ҳамда ишлаб чиқариладиган товарнинг рақамли коддини олиш учун «GS1 Uzbekistan»га мурожаат қилади (Низомнинг 33-банди, ВМнинг 6.07.2004 йилдаги 318-сон қарорига 1-илова).

Шу билан бир вақтда корхона ўз товарини Интернет орқали сотадиган бўлса, Amazon, Alibaba, eBay, OZON каби ва бошқа маркетплейслар 2019 йил бошидан ўз платформаларида жойлаштиришда маҳсулотда товар коднинг мавжуд бўлишини талаб этмоқда.


Шу тарихта, штрихли кодлаштириш фаолиятининг мажбурий шарт бўлса, «GS1 Uzbekistan» уюшмасига аъзолик бадаллари чегириладиган харажатлар ҳисобланади.

Бошқа ҳолатларда «GS1 Uzbekistan» уюшмасига аъзолик бадаллари чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (Солиқ кодексининг 147-моддаси 7-банди\*).

\*1.01.2019 йилгача амалда бўлган.

Жавобларни «Норма» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

## ҚАЙТА БАҲОЛАШНИ ЎТКАЗАДИГАНЛАР УЧУН



Ушбу индекслар мазкур Низом талаблари асосида тайёрланди ва асосий фондларни навбатдаги қайта баҳолашни ўтказишда қўлланиладиган усуллардан бири сифатида корхона ва ташкилотлар хохишига қараб фойдаланиши мумкинлиги маълум қилинади.

А.ИКРАМОВ, Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари.

29.12.2019 йил, 01/3-07-16/3-125-сон.

### 2020 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондлар, ўрнатилмаган ускуналар ва қурилиши тугалланмаган объектларни (уларни харид қилиш, тайёрлаш, қуриш даврлари бўйича) ҚАЙТА БАҲОЛАШ ИНДЕКСЛАРИ

Асосий фондларнинг гуруҳлари ва кодлари	1995 йилгача (1995 йил ҳам қиради)	1996-2005 йй.	2006-2017 йй.	2018 й.	2019 й.			
					1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
<b>1. Ишлаб чиқариш ва ношлаб чиқариш бинолари (10000-10018)</b>								
М-1 гуруҳи	1,028	1,085	1,119	1,142	1,130	1,100	1,071	1,031
М-2 гуруҳи	1,018	1,074	1,108	1,131	1,119	1,089	1,061	1,020
М-3 гуруҳи	1,007	1,063	1,097	1,119	1,108	1,078	1,050	1,010
М-4 гуруҳи	1,000	1,053	1,086	1,108	1,097	1,067	1,039	1,000
М-5 гуруҳи	1,000	1,042	1,075	1,097	1,086	1,056	1,029	1,000
<b>2. Ишюотлар (20000-20382)</b>								
М-1 гуруҳи	1,028	1,085	1,119	1,142	1,130	1,100	1,071	1,031
М-2 гуруҳи	1,018	1,074	1,108	1,131	1,119	1,089	1,061	1,020
М-3 гуруҳи	1,007	1,063	1,097	1,119	1,108	1,078	1,050	1,010
М-4 гуруҳи	1,000	1,053	1,086	1,108	1,097	1,067	1,039	1,000
М-5 гуруҳи	1,000	1,042	1,075	1,097	1,086	1,056	1,029	1,000
<b>3. Узатиш қурилмалари (30000-30124)</b>								
<b>4. Машиналар ва ускуналар</b>								
4.1 Куч машиналари ва ускуналар (40000-40719)	1,000	1,040	1,073	1,095	1,092	1,082	1,055	1,011
4.2 Ишчи машиналар ва ускуналар (41000-46119)	1,000	1,040	1,073	1,095	1,092	1,082	1,055	1,011
4.3 Ўлчов ва бошқарув асбоб ва қурилмалари, лаборатория жиҳозлари (47000-47066)	1,000	1,040	1,073	1,095	1,092	1,082	1,055	1,011
4.4 Ҳисоблаш техникаси (48000-48010)	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
4.5 Бошқа машина ва ускуналар (49000-49303)	1,000	1,040	1,073	1,095	1,092	1,082	1,055	1,011
<b>5. Транспорт воситалари (50000-50709)</b>								
енгил автомобиллар	1,000	1,000	1,032	1,053	1,051	1,046	1,030	1,004
бошқа транспорт воситалари	1,039	1,096	1,131	1,154	1,135	1,096	1,071	1,020
<b>6. Асбоб-ускуналар (60000-60002)</b>								
<b>7. Ишлаб чиқариш ва хўжалик анжомлари, мебелсиз (70000-70002, 70005-70012)</b>								
<b>8. Мебель (70003-70004)</b>								
<b>9. Ишчи ва маҳсулдор моллар (80000)</b>								
<b>10. Кўп йиллик кўчатлар (90000-90021)</b>								
<b>11. Кутубхона фондлари</b>								
<b>12. Бошқа асосий фондлар</b>								
<b>13. Қурилиши тугалланмаган объектлар</b>								
<b>14. Ўрнатилмаган ускуналар</b>								



**Минтакалар гуруҳлари:**  
**М-1 гуруҳи** – Тошкент ш.  
**М-2 гуруҳи** – Тошкент, Қашқадарё, Самарканд вилоятлари.  
**М-3 гуруҳи** – Бухоро, Навоий, Андижон, Фарғона вилоятлари.  
**М-4 гуруҳи** – Сурхондарё, Хоразм, Наманган вилоятлари.  
**М-5 гуруҳи** – Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё вилоятлари.

**Изоҳ:** Асосий фондлар кодлари 1990 йилдаги Амортизация ажратмаларининг ягона меъёрларига мувофиқлаштирилган. Ташкилотлар балансидаги турар жой фонди объектлари, уларни қайта баҳолашга доир бошқа меъёрий ҳужжат бўлмаса, 1,0 коэффициентни билан қайта баҳоланади.

## ИНВЕНТАРНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ: СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

**?** Ташкилотда 1080-счётда бир неча йил олдин, корхона ЯСТни тўлаган пайтда харид қилинган инвентарь ҳисобда туради. Фойдаланишга беришда инвентарь ўз вақтида харажатларга ҳисобдан чиқарилмаган. Корхона айни пайтда умумбелгиланган солиқларни тўлайди. **Инвентарни ҳисобдан чиқариш чоғида фойда солигини ҳисоблашда солиқ оқибатлари юзага келадими?**

– Жорий ва ўтган йиллардаги ҳисобот маълумотлари ҳисоботда маълумотлар нотўғри кўрсатилганлиги аниқланган ҳисобот даври учун



молиявий ҳисоботда тузатилади. Олдинги даврлардаги молиявий ҳисоботларни қайта топшириш талаб этилмайди (АВ томонидан 27.08.1998 йилда 484-сон билан рўйхатдан ўтказилган 3-сон БҲМСнинг 16-банди).

Ҳисобот даврида фойда солигини ҳисоблашда олдинги даврлардаги хатолар тузатилганда солиқ оқибатларининг юзага келиши ушбу хатолар канчалик муҳимлигига боғлиқ бўлади.

**!** Хатонинг муҳимлиги мезони ҳисоб сие-сатида кўрсатилади. У мавжуд бўлмаса, ҳар қандай хато суммаси муҳим ҳисобланади.

Олдинги даврда йўл қўйилган муҳим хатоларни тўғрилаш суммаси йил бошигача тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс этирилади (3-сон БҲМСнинг 17-банди). Бундай хатоларни тузатиш вариантида корхонада солиқ оқибатлари юзага келмайди, сабаби корхонангиз илгари ЯСТ тўловчи бўлган.

Хатолар муҳим бўлмаса (арзимайдиган даражада бўлса), улар ҳисобот йилидаги бошқа харажатлар таркибига киритилади.

Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги операциялар бўйича харажатлар ва зарарлар, бундан Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар ва зарарлар мустасно (Солиқ кодексининг 145-моддаси 40-банди «г» кичик банди\*) фойда солигини ҳисоблашда чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади.

**!** Ушбу харажатлар чегириладиган харажатлар деб эътироф этилиши муайян хавфи мавжуд, чунки улар корхона фойда солиги тўловчиси ҳисобланмаган даврга тааллуқдир.

Наргиза АЛИМОВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

\*01.01.2020 йилгача амалда бўлган.

## ЧЕГАРАДА БОЖХОНА НАЗОРАТИ: СЎНГГИ ЎЗГАРИШЛАР

1-бетда

Бугунги кунда давлатимиз божхона назорати масаласига катта эътибор қаратиб келаётир. Айниқса божхона назоратининг самарадорлик даражасини оширишга эътибор кучайтирилган. Биринчи навбатда бу божхона назорати божхона органлари фаолиятида устувор йўналишлардан бири бўлиши билан боғлиқдир. Қабул қилинган мазкур Низом ҳам Давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида унинг тартиб-таомилларини тубдан тезлаштиришга қаратилган.

**– Божхонага оид қонун ҳужжатларидаги энг муҳим ўзгаришлар хусусида гапириб берсангиз...**

– Бу ўзгаришлар, аввало – давлат назорати органлари томонидан ҳайдовчилар, товарлар ва транспорт воситаларининг назорат тартиб-таомиллардан ўтказилиши учун аниқ вақт чегараларининг белгиланиши бўлди, улар эндиликда «Ягона дарча» божхона ахборот тизими (БАТ) асосида амалга оширилмоқда. Бунда, ўтказиш пунктга автотранспорт воситаси кириши ва чиқиши вақтлари, уларнинг ҳар бири давлат назорати органлари томонидан тегишли назорат тартиб-таомилларидан ўтказилиши қайд этиб борилади. Техник носозлик ҳолатлари юзга келганда, Ягона қайд варақасидан фойдаланилади. Носозликлар бартараф этилгандан сўнг 1 иш куни давомида ундаги маълумотлар БАТга киритилиши керак.

Назорат тадбирларини ўтказиш вақти анчайин қисқартирилган. Бу ҳам муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Бинобарин, вақт жиҳатдан чекловнинг қўйилиши назорат сифатига умуман таъсир кўрсатмаслиги керак.

Ҳужжатда автотранспортнинг ўтказиш пунктларида бўлишининг умумий вақти аниқ белгиланган. Енгил автотранспорт воситалари учун – 15 дақиқа, юк автотранспорт воситалари учун – 30 дақиқа.

Давлат чегарасидан ўтказишнинг технологик схемасида чегара назорат органлари томонидан назорат тартиб-таомилларини ўтказишнинг кетма-кетлиги ва уларни ўтказиш учун кетадиган вақт белгиланган.

Кириш вақтида ҳайдовчи дастлаб санитария-карантин назоратидан ўтади (3 дақиқа), шундан сўнг чегара назорати бўлинмаси паспорт ва чегарани кесиб ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар мавжудлиги текширади (4 дақиқа). Мана шундан кейин 15 дақиқа оралиғида товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона расмийлаштируви ва божхона назорати амалга оширилади. Мазкур тартиб-таомилларни кўрсатилган навбатликда фитосанитария ва ветеринария назорати органлари яқунлайдилар (агар олиб кирилмаётган товар улар назоратининг объекти ҳисобланса). Бунинг учун ҳар бир чегара назорати хизматига 4 дақиқадан вақт ажратилади.

Мамлакатдан чиқишда назорат тадбирларини ўтказиш кетма-кетлиги қуйидагичадир: божхона назорати (10 дақиқа), зарурат бўлганда фитосанитария ва ветеринария назорати (ҳар бир хизмат учун 3 дақиқадан), чегара назорати (4 дақиқа) ўтказилади.

**– Назорат тартиб-таомилларини ўтказиш вақти меъёрлардан ортиб кетиши мумкинми?**

– Ҳа, мумкин. Низомда бу қайси ҳолларда бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Масалан, ўтказиш пунктларида тўланиши белгиланган йиғимлар ёки тўловлар тўланмаган ҳолларда, фавқулодда ҳолатларда шундай бўлиши мумкин. Ёки чегара, божхона, фитосанитария ва ветеринария назорати ўтказилаётганда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланса ҳам назорат тартиб-таомиллари белгилан-

ган вақтидан чўзилиб кетиши мумкин. Хусусан, божхона назорати вақтида идентификация воситалари (пломбалар, муҳрлар ва бошқалар) бузилганлиги ёки контрабанда предметлари ёхуд ноқонуний олиб кетилаётган товарлар яширилган бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи белгилар аниқланганда тўлиқ божхона кўригини ўтказиш зарур бўлади ва шунда вақт чегарасидан «чиқиб кетиш» мумкин.

Шу билан бирга автотранспорт воситасининг назорат тартиб-таомилларидан ўтиш вақти 72 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Ушбу вақт ўтгандан сўнг, унинг республикага кириши ёхуд қайтиб кетиши ёнқи ортига қайтарилиши (жисмоний шахслар билан бўлган ҳолда) масаласи ҳал этилади.

Шуни қайд этишим керакки, ўтказиш пунктларида шахслар, транспорт воситалари ва товарларнинг асоссиз ушлаб турилишига, шунингдек, уларга зарар етказилишига йўл қўйилмайди.

**– Давлат чегараси ҳаво йўли ва темир йўл транспортида кесиб ўтилаётганда чегара назорати органлари томонидан назорат тартиб-таомилларини ўтказишнинг вақт бўйича чегаралари ҳам ўзгардими?**

– Авиация ва темир йўл корхоналари фаолияти регламентининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, булар ўзгаргани йўқ. Лекин бу мазкур жаҳадаги божхона назоратида ўзгаришлар содир бўлмади, дегани эмас. Фикримни, масалан, авиайўловчилар тасдиқлашлари мумкин. Яшил йўлак жорий этилиши, йўловчи декларацияси соддалаштирилиши муносабати билан божхона тартиб-таомиллари анча тезлашди.

**– Низом билан чегарадаги назорат органлари фаолиятига қандай ўзгаришлар киритилди?**

– Илгари чегара ўтказиш пунктларидаги фаолият чегара хизмати томонидан тартибга солинар эди. Эндиликда давлат назорати органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этишга божхона пости бошлиғи ва чегара назорати бўлинмасининг раҳбари масъул ҳисобланади.

Давлат чегараси орқали устувор тартибда, навбатсиз ўтказиладиган назорат объектилари рўйхати тўлдирилди. Уларга Президент Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ёзма топшириғига мувофиқ шахслар, транспорт воситалари ва товарлар киритилди.

Қуйидагилар устувор тартибда ўтказилади:

- қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ муайян имтиёзларга эга шахслар, оғир беморлар, ҳомиладор ва ногирон шахслар, 7 ёшгача бўлган болалар, уларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар ва улар кетаётган автотранспорт воситалари;

- халқаро йўналишларда йўловчиларни мунтазам ташийдиган транспорт воситалари;

- тирик ҳайвонлар, тез бузиладиган товарлар, радиоактив материаллар, оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва бошқа материаллар.

Яна улар қаторига:

- табиий офатлар, авариялар, ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишда зарур бўлган ва инсонпарварлик ёрдами сифатида юбориладиган товарлар, шунингдек, ушбу товарлар олиб ўтиладиган транспорт;

- ЎзРнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига юбориладиган товарлар; ЎзРнинг олий қонунчилик, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларига юбориладиган товарлар ҳам қиради.

Зарур ҳолларда шахслар, транспорт воситалари ва товарлар чегара назорати бўлинмаси раҳ-



бари ҳамда божхона органи бошлиғининг ўзаро келишувига асосан устувор тартибда ўтказилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат чегарасини кесиб ўтишда «Қизил китоб»га киритилган ёки миллий қонунчиликка мувофиқ олиб кириш ва олиб чиқиш тақиқланган ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси объектилари, уларнинг қисмлари, ҳосилалари, яшаш фаолияти маҳсулотлари, ботаник ва зоологик коллекциялар давлат экологик назоратидан ўтказилиши лозимлиги тўғрисидаги қоида билан тўлдирилди.

Улар жумласига, хусусан, йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенцияга киритилган объектилар ҳам киритилган (*Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга ЎзР Олий Мажлисининг 25.04.1997 йилдаги 433-1 сон қарори билан қўшилган*).

Бинобарин, экологик назорат объектиларини олиб кириш ва олиб чиқиш, шунингдек, транзит олиб ўтишга қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади.

Шу билан бирга Низомда «экологик назорат» тушунчасига таъриф ҳам берилган. Олдин амал қилган ҳужжатда бу мавжуд бўлмаган.

**– Божхона назорати соҳасида ТИФ иштирокчилар фаолиятини оsonлаштирган бу йилги яна қандай ўзгаришлар бор?**

– Мухтасар қилиб айтганда, 2019 йилнинг бошидан товарларни муайян божхона режимлари (резспорт, реимпорт, вақтинча олиб кириш ва олиб чиқиш ва х. к.) жойлаштиришда божхона органлари томонидан бериладиган рухсат этувчи 10 турдан кўп ҳужжатлар бекор қилинди. Ташқи савдо контрактларини божхонада рўйхатдан ўтказиш; товарларни экспорт қилаётганда ташқи савдо контрактларини тақдим этиш ва олдиндан тўлаш, банк қафолати, суғурта полиси ва аккредитивни талаб қилиш қисқарди. Бир қисм ваколатларини божхона постларига бериш орқали ТИФ иштирокчиларининг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиб-таомиллари соддалаштирилди. Божхона хизмати ходимларига товар ТИФ ТН коднинг классификацияси бўйича ҳулосани талаб қилиш тақиқланганидан меъёр киритилди. Тегишли давлат органидан товарларни қайта ишлаш учун техник-иктисодий асослангани олиш талаби бекор қилинди.

2020 йилнинг 1 январидан эса товарлар ва транспорт воситаларини божхонада расмийлаштираётганда, шунингдек, импорт қилинаётган товарларга мувофиқлик сертификатларини бераётганда ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этувчи ҳужжатларнинг асл нусхалари ҳамда кўчирма нусхаларини қогоз кўринишида тақдим этиш керак эмас. Бундан халқаро шартномаларга мувофиқ махсус қогоз бланкаларда расмийлаштирилиши талаб қилинадиган ҳужжатлар мустасно.

Гулнора АБДУНАЗАРОВА,  
махсус мухбиримиз.

# 2020 ЙИЛДА АСОСИЙ ФОНДЛАР ҚАНДАЙ ҚАЙТА БАҲОЛАНАДИ

1 февралга қадар қуйидагилар томонидан асосий фондлар қайта баҳоланиши лозим:

- 1) сўнгги марта қайта баҳолашни 2017 йил январда ўтказган кичик бизнес субъектлари;
- 2) кичик тадбиркорлик субъектлари жумласига кирмайдиган бошқа корхоналар, шу жумладан 2019 йилда ташкил этилган корхоналар.

## Нималар қайта баҳоланади

Қуйидагиларни қайта баҳоланг:

- 1) асосий воситалар (0100-счёт);
- 2) ўрнатиладиган ускуналар (0700-счёт);
- 3) қурилиши тугалланмаган объектлар (0810-счёт);
- 4) молиявий ижара шартномаси, шу жумладан лизинг шартномаси

бўйича олинган асосий воситалар (0310-счёт).

Қуйидагиларни қайта баҳоланг:

- 1) ер участкалари, белгиланган тартибда хусусийлаштирилган ер участкалари бундан мустасно;
- 2) табиатдан фойдаланиш объектлари.

## Қайта баҳолаш қандай ўтказилади

Объектларни қайта баҳолаш 1 январь ҳолати бўйича ўз танловига кўра – индекс усули ёки бевосита баҳолаш усулида ўтказилади:

- индекс усулига мувофиқ – қайта баҳолашни ўтказиш санасидаги ҳолатга кўра бухгалтерия ҳисобида қайд этилган объектларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ва улар бўйича эскириш суммасини (эскириш тўлиқ ҳисобланган объектлар ҳам қиради) тегишли индексларга кўпайтириш. Улар асосий фондлар турлари бўйича ва уларни харид қилиш даврларига боғлиқликда табақаланган;

- бевосита қайта баҳолаш усулига мувофиқ – қайта баҳолаш ўтказиладиган даврда ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича объектлар қийматини қайта ҳисобланг.

Қайта баҳолаш олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган объектларнинг тикланиш қийматидан амалга оширилади. Охириги қайта баҳолашдан кейин қўшилган объектлар эса ҳисобга олиш қийматидан қайта баҳоланади.

Корхонангиз кичик бизнес субъекти ҳисобланмаса, 2020 йилда АФ тикланиш қийматини, яъни 2019 йил 1 январга олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган қийматини қайта баҳолашингиз лозим. 2019 йилда харид қилинган объектлар бўйича улар ҳисобга олинган дастлабки қийматини қайта баҳоланг.

Корхонангиз кичик бизнесга мансуб бўлса, индекс усулини қўллаш чоғида навбатдаги қайта баҳолашни ўтказиш даврида (3 йилда 1 марта) сўнгги қайта баҳолашдан кейин ўтган йиллар учун ҳар йили тасдиқла-

надиган индексларни ҳисобга олинг. Яъни, сиз сўнгги марта асосий фондларни 2017 йил 1 январда қайта баҳолаган бўлсангиз, уларни 2020 йил 1 январга сўнгги қайта баҳолашдан кейин ўтган йиллар (2018–2020 йиллар) учун қайта баҳолаш индексларини ҳисобга олган ҳолда қайта баҳолашингиз керак. 2018 йилда харид қилинган асосий фондлар учун 2019 ва 2020 йиллардаги қийматни ўзгартириш индексларини ҳисобга олиш лозим.

Объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматини ҳисоблаш билан бир вақтда жамланган эскириш суммасини (0200-счёт) ҳам қайта ҳисобланг. Эскириш тўлиқ ҳисобланган объектлар бўйича ҳам шундай ҳисобланг:

- индекс усулида – асосий фондлар қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига;

- бевосита қайта ҳисоблаш усулида – қайта баҳолашдан кейинги тикланиш қийматининг қайта баҳолашгача бўлган қийматга нисбати билан ҳисоблаб чиқариладиган қайта ҳисоблаш коэффициентига.

Кейинчалик амортизация қайта баҳоланган қийматдан ҳисобланади.

МИСОЛ. 3 йил учун қайта баҳолаши

Асосий фондлар номи	Харид қилинган санаси	1.01.2020 йилга дастлабки (тикланиш) қиймати	1.01.2020 йилга жамланган эскириш	Қайта баҳолаш индекслари			Қайта баҳоланган қиймат (3-уст. х 5-уст. х 6-уст. х 7-уст.)	Қайта баҳоланган эскириш (4-уст. х 5-уст. х 6-уст. х 7-уст.)
				1.01.2018 йилга	1.01.2019 йилга	1.01.2020 йилга		
Металл кесувчи дастгоҳ	2003 й.	510 000	510 000	1,463	1,012	1,040	785 287	785 287
Компьютер	2019 й. 1ч.	6 000 000	900 000			1,000	6 000 000	900 000
Мебель тўплами	2014 й.	1 150 000	862 500	1,144	1,080	1,039	1 476 261	1 107 196

## Бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади

Қайта баҳолаш натижаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

- асосий воситалар (0100), молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар (0300), капитал қўйилмалар (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни (0700) ҳисобга олиш счётлари дебети – асосий воситалар объектларининг дастлабки (тикланиш) қийматини кўшимча баҳолаш суммасига;
- асосий воситалар эскириши-

ни ҳисобга олиш счётлари кредити (0200) – асосий воситаларнинг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскиришини кўшимча баҳолаш суммасига;

- 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счети кредити – асосий фондлар объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматини кўшимча баҳолаш ва жамланган эскириш суммаларни ўргасидаги фарқ суммасига.

Мисолимизда келтирилган маълумотлар бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Асосий фондлар номи	Сумма, сўм	Дебет	Кредит
Металл кесувчи дастгоҳ	275 287 (785 287 – 510 000)	0130- «Машина ва асбоб-ускуналар»	0230-«Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши»
Компьютер	–	–	–
Мебель тўплами	244 696 (1 107 196 – 862 500)	0140-«Мебель ва офис жиҳозлари»	0240-«Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши»
	81 565 (1 476 261 – 1 150 000 – 244 696)	0140-«Мебель ва офис жиҳозлари»	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

## Балансда қандай акс эттирилади

1 январь ҳолатига кўра қайта баҳолаш натижаларини қайта баҳолаш ўтказилган жорий давр учун молиявий ҳисоботда акс эттириш. Бу 2020 йил январда ўтказилган қайта баҳолаш натижалари 2020 йил учун ҳисоботда уни тузиш чоғида (2020 йил 1 чораги учун ҳисоботда уни тузувчилар учун) акс эттирилиши кераклигини аниқлатади. Улар 2019 йил учун ҳисоботда акс эттирилмайди.

Шу тариқа, 2019 йил учун молиявий ҳисоботда асосий фондлар қий-

мати йил охирига қайта баҳолашсиз акс эттирилади. 2020 йил учун молиявий ҳисоботда ушбу қиймат йил бошига қайта баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади. Ўтган йил охиридаги ва ҳисобот йили бошидаги маълумотларнинг бундай номувофиқлиги 2020 йил учун молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида тушунтириб берилиши лозим.

Ирина АХМЕТОВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

<p><b>СОЛИК ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</b></p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газетаси</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ</b></p>	<p>Нашр учун масъул – Бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович <b>АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 <b>ТЕЛЕФОН/ФАКС</b> Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--	---	--	---	---